Тошкент ҳақиқати

№ 11—12 (10.588— 10.589).

1994 йил 18 февраль жума

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОКДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни бозор муносабатлари талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, назорат қилувчи органлар ишидаги параллелчиликни бартараф этиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 21-бандига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонида Назорат инспекцияси ва тегишли равишда вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг аппаратлари таркибларида назорат инспекциялари ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенеси аппаратида ҳам Назорат инспекциясини ташкил этиш зарур деб топилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекциясининг раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш, назорат органларининг ишидаги параллелизм ва такрорлашни бартараф қилиш, республикада бозор муносабатлари воситаларини рўёбга чиқаришга ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш янги ташкил этилган инспекциялар фаолиятининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида назорат инспекциялари ходимларининг сони, уларни таъминлаш учун зарур маблағлар ҳамда тугатилган Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органларн мулкидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 10 кун муддат ичида назорат инспекциялари тўғрисида низом лойиҳасини, шунингдек амалдаги қонунларни ушбу фармонга мувофиқ ҳолга келтиришга оид таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика халқ хўжалигини металл прокати билан таъминлашдаги катта ҳиссаси учун ҳамда ташкил этилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон металлургия заводи Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ БИР ГУРУҲ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвони берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Анохин Анатолий Михайлович — металлургия заводининг директори

Бадалов Патхилло Сайдуллаевич — металлургия заводи халқ истеъмоли буюмларн ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи

Дусматов Абдукарим Абдусаматович — навли прокатка цехининг иссиқ ҳолда прокатка қилиш машинаси устаси

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Жалилов Абдували — металлургия заводи автотранспорт цехининг ҳайдовчиси

Йўлдошева Мавлуда Ўзгановна — металлургия заводи халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш цехининг сирловчиси

Каримов Турсунбой — металлургия заводи мартен цехи металлургия печларини ўтга чидамли ғиштлар билан таъмирловчи ишчиси

Коломейцев Юрий Максимович — металлургия заводи мартен цехининг пўлат эритувчиси

Мамуров Ҳабибулло — металлургия заводи энергетика цехининг электр ускуналарини таъмирловчи монтёр

Мирбобоев Ғофуржон Абдуманнонович — металлургия заводи электр пўлат эритиш цехининг пўлат қуювчиси

Миркомилов Баёзжон Мирқосимович — металлургия заводи директорининг меҳнат ва кадрлар масаласи бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Швеция Қироли Карл XVI Густаф ҳазрати олийлари янги йил муносабати билан Сизга энг яхши тилакларини изҳор этади.

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ — БОШ ВАЗИФА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИИГ XV СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XV сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят депутатларидан ташқари, вилоят ҳокимининг муовинлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, турли бошқарма ва муассасалар раҳбарлари, халқ демократик партияси вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашларининг котиблари ҳамда қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияни Тошкент вилояти ҳокими Мирзамурод ИКРОМОВ очди. Кун тартибига тавсия қилинган масалалар тасдиқлаб олингач, депутатлар ташкилий масалаларни биринчи галда муҳокама қилдилар. Илгари Чиноз туманидаги «Олмазор» боғдорчилик давлат хўжалигининг директори бўлиб ишлаган Йўлдош ТОЖИБОЕВ вилоят ҳокимининг муовини этиб тасдиқланди. Шунингдек, вилоят коммунал фойдаланиш бирлашмасининг бошлиғи Ҳамидулла АҲМЕДОВ вилоят ҳокимининг муовини этиб тасдиқланди. Илгари вилоят спорт қўмитаси раисининг муовини бўлиб ишлаб келган Баҳром ҒАФУРОВ ана шу қўмитанинг раиси этиб тасдиқланди.

Шундан кейин депутатлар навбатдаги масалаларни муҳокама этишга киришдилар.

Кун тартибидаги масала — XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIV сессиясида билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг ижроси ҳақида вилоят ҳокимининг биринчи муовини Э. М. РУЗИЕВ ахборот берди.

— Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ўтган йил 9 декабрдаги XIV сессияси ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди,— деди нотиқ.— Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов катта нутқ сўзлаб, вилоятимиздаги ижтимоий-сиёсий аҳволни чуқур таҳлил этдилар, бутун эътиборимизни бугунги кунда ва келажакда бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифаларга қаратдилар. Шу тадбирлар асосида бутун эътибор ҳамма жойда тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга қаратилди. Вилоят ҳокими маҳкамасининг масъул ходимлари жойлардаги аҳволдан мунтазам хабардор бўлиб туриш ва зарур амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар ҳамда туманларга биркитиб қўйилди. Жойларда фармонлар ва қарорлар ижроси, ҳокимликларда иш юритиш жараёнлари текшириб чиқилди. Бу шуни кўрсатдики, кўпгина жойларда бу борада масъулият ҳис этилмаётир, айрим бўлим ва бошқарма бошлиқлари шаҳар ва туманларга чиқмайдилар, амалий ёрдам кўрсатмайдилар. Буни Олмалиқ шаҳри, Янгийўл, Қуйичирчиқ туманларидаги аҳвол яққол кўрсатди. Вилоят ҳокимлиги аниқланган нуқсонларни тезда тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрди.

Маърузачи сессиядан кейин вилоятда кадрлар ислоҳотини ўтказиш, раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама етук, ташаббускор кишиларни қўйиш борасида катта ишлар қилинганлигини таъкидлади. Хусусан, Чиноз, Зангиота, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Пискент, Паркент районлари ва Бекобод шаҳрига янги ҳокимлар тайинланди. 7 та бўлим ва бошқарма раҳбарлари, 5 та тумандаги РАПО раислари ва бир қатор хўжаликлар раҳбарлари ўзгартирилди. Вилоят ҳокимлиги кадрлар билан ишлаш, талабчанликни оширишга бундан буён ҳам эътиборни кучайтиради. Раҳбарликка халқни ўз орқасидан эргаштира оладиган, ишбилармон, ташаббускор кадрларни тайинлаш борасидаги бошланган ҳаракат давом эттирилади.

Сессияда Президент ўз нутқида чет эл сармоялари ҳисобига қўшма корхоналар ташкил этишга, вилоятнинг шаҳар ва районларида бир хил даражада эътибор берилмаётганлигини ҳам танқид қилган эди. Бу масала чуқур ўрганиб чиқилди. Ҳозир вилоятда 52 та қўшма корхона рўйхатга олинган бўлиб, улардан 7 таси чет эл инвесторлари ўз вақтида етиб келмаганликлари ва келишилган шартномани бажармаганликлари учун молия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўчирилган. Қолганларини тезроқ ишга тушириш юзасидан ҳаракатлар бошланди. Шу йилнинг январь ойида яна 7 та қўшма корхона очилди. Оҳангарондаги «Учқун» ва Юқоричирчиқдаги «Архар» қўшма корхоналарини тезроқ ишга тушириш учун вилоят меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси ёрдамида 750 миллион сўм кредит ажратилди. Вилоят ҳокимлиги айниқса қишлоқларда қўшимча ишчи ўринларини яратишни бугунги кунда бош масала қилиб қўйди. Ана шу мақсадда вилоятда, барча шаҳар ва туманларда мукаммал дастур ишлаб чиқилди. Ишчи ўринларини кўпайтириш учун ички имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда йирик-йирик саноат корхоналари хўжаликларда, қишлоқ жойларида ўз филиалларини, кичик корхоналарни очишга тайёргарлик кўришмоқда. Тошкент шаҳри билан тузилган ҳамкорлик шартномаси ҳам бу борадаги янги имкониятларга кенг йўл очди.

Январь ойида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги маслаҳат кенгаши йиғилишида Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманлари ва Янгиобод шаҳрида қўшимча ишчи ўринлари яратиш борасида олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Бунинг натижасида агар бутун 1993 йил давомида бор-йўғи 3,5 минг ишчи ўрни яратилган бўлса, 1994 йилнинг январь ойидаёқ салкам минг нафар киши иш билан таъминланди. Астойдил ҳаракат бўлса йил охиригача қўшимча ишчи жойларини ҳатто 50 мингга етказиш мумкин бўлади.

Аввалги сессияда саноат корхоналарининг бир маромда узлуксиз ишлашини таъминлаш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар қай даражада эканлигини аниқлаш, халқ истеъмол моллари ҳажмини янада кўпайтириш вазифаси ҳам кўйилган эди.

— Бу масала январь ойи давомида таҳлил этиб борилди,— дея сўзида давом этди нотиқ.— Жойларга чиқиб йил якунлари муҳокама этилди, ютуқ ва камчиликлар аниқланди. Аигрен кўмир конида ўтказилган ҳафталик штаб йиғилишлари ўз самарасини берди. Январь

(Давоми 2-бетда).

ЙЎЛИНГ ОЙДИН БЎЛСИН, НАРГИЗА!

«...Инсон қанчалик баркамол бўлса, у яшаётган маскан шунчалик кўрку чиройга эга бўладики, бу унинг халқи, одамлари нақадар бой маънавиятга, яратувчилик куч-қудратига эгалигидан далолат беради. Сен ана шундай юрт ва халқ фарзандисан. Истайманки, сен ҳам улуғ аждодларинг анъаналарини давом эттирасан, ота-онанг ва Ватан учун фидойи бўлиб етишасан».

Юқоридаги сатрлар республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳридаги ўзбек-турк қизлар лицейи ўқувчиси Наргиза Каримовага йўллаган жавоб хатидан олинди.

Энди Наргиза ҳақида. Маълумки, Президентимизнинг махсус Фармони асосида республика ҳудудида ўтган йили еттита ўзбек-турк лицейи очилган бўлса, бу йил уларнинг сони 28 тага етди. Шу жумладан, Тошкентнинг Юнусобод даҳасида ҳозирча яккаю ягона қизлар лицейи фаолият бошлади. Лицейда, ўзбек тилидан ташқари, инглиз ва турк тиллари ўргатилади. Бундан ташқари, одобнома, дин тарихи, жўғрофия дарслари ҳам ўтилади. Дарслар жонли, қизғин, эркин мулоқотга асосланганлиги билан шўро мактаблари тартибидан буткул фарқ қилади. Инглиз тилини жадал ўзлаштирган ўқувчилар юқори босқичларда химия, физика, математика каби фанларни ҳам шу тилда ўрганади. Бу ерда қизларимизнинг уйдагидек яшашлари, таълим олишлари учун керакли шарт-шароит яратилган. Наргиза Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг 6-синфини аъло баҳоларда тугатгач, синов-танловлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкентда очилган ана шу илк ўзбек-турк қизлар лицейи ўқувчиси бўлди.

Ҳар тонг мамлакатимиз раҳбарининг лицей биносига кираверишдаги суратига миннатдорлик туйғуси ила боқиб ўтар экан, Наргизанинг ўйидан турнақатор саволлар кечарди. Президентларни оддий одамлар ҳам байрамлар ҳамда туғилгунларни билан табриклаши мумкинмикин? Оддий одам, масалан, мактаб ўқувчиси мамлакат раҳбарига мактуб ёза оладими? Саволлар бора-бора қарорга айланди. Наргиза юртбошимизга мактуб йўллаб, илм олиш йўлида яратилган имкониятлар учун, ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ҳамда отаоналарча ғамхўрлик учун миннатдорлик тўла дил сўзларини изҳор этди.

Куни кеча Президент девони ва республика Халқ таълими вазирлигидан вакиллар ўзбек-турк лицейида бўлиб, Наргизага Ислом Каримовнинг жавоб мактубини топширдилар.

— Президентимизнинг мактуби нафақат Наргизага жавоб хати, балки, умуман, таълим соҳасига эътибордир, — дейди республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Энди ана шу юксак эътиборни оқлашимиз керак. Маориф ходимлари, қолаверса, ўқувчиларимиз ҳам бу масъулиятни ҳис этишларини истардим. Чунки, бугунги намунали ўқувчи эртанги куннинг илғор тадбиркори, ўқитувчи ёхуд шифокоридир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини ёшларимиз яратади.

Бугунги кунда республикамизда барча жабҳалар қатори таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришлар, ислоҳотлар бошланди. Ўзбек-турк қўшма лицейлари тажрибасига таяниб, шарқ тиллари, нафис санъат лицейлари, шунингдек, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа йўналишларда 50 дан ортиқ лицей очилди. Уларда 17 минг ўсмир таълимнинг янгича усулларида билим олмоқда.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги Япония, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хос томонларини ўрганиб, илғор тажрибаларни республика таълими соҳасига жорий этиш йўлида изланмоқда.

(ЎзА).

ФРАНЦИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эндрю Гельфи бошчилигидаги франциялик ишбилармонлар делегацияси аъзолари икки кун давомида нефть ва газ ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати, енгил саноат концернлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раҳбарлари билан музокаралар ўтказдилар. Ҳар икки томоннинг таклифлари, ҳамкорликда амалга оширладиган тайёргарлик режалари атрофлича муҳокама қилинди. Натижада Бухорода нефтни қайта ишлайдиган завод, Тошкентда жаҳон талабларига жавоб берадиган меҳмонхона қуришга келишиб олинди.

Делегация аъзолари 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов билан учрашдилар. Бош вазир ўринбосари республикада тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий ишбилармонларга қулайликлар яратиш, чет эл сармоясини рағбатлантириш ва ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди. Франциялик ишбилармонлар турли соҳалар бўйича алоқаларни янада кенгайтириш учун ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА).

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА

БЕШИНЧИ ОЧИҚ САВДО

«Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси билан «Ўзавтосозлаш» саноат концерни биргаликда бешинчи марта ўтказаётган арзонлаштирилган очиқ савдо — ярмаркани республикамизда вужудга келаётган бозор муносабатларининг маҳсули деб айтиш мумкин. Бу ярмарка ташаббускорлик, тадбиркорлик самараси бўлиб, иқтисодий ўзгартишларни бундай хусусиятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

17 февраль куни «Автосозлаш» концернининг 8-Тошкент тажриба заводига келган шофёрлар ва автоҳаваскорлар собиқ иттифоқ йўлларида қатнаётган ҳамма турдаги автомобиллар — ЗИЛ, ГАЗ, МАЗ, КамАЗ, КРАЗ машиналарининг тақчил деталларини кўришлари мумкин эди. Сотишга қўйилган эҳтиёт қисмларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда, концернинг ўн битта бўлинмасида тайёрланган. Бошқа республикалардан маҳсулот етказиб бериш ҳажми кескин камайиб кетган ҳозирги пайтда бу ишнинг қанчалик муҳимлигини тушунтиришга ҳожат йўқ.

Хоҳлаган кишилар шу ернинг ўзида «Ўзавтосозлаш» концерни усталари ишлаб чиққан ва ясаган янги ускуналарни сотиб олишлари мумкин. Бу буюмлар орасида турли автомобиллар учун шиналар ҳам бор.

Эҳтиёт қисмларни харид қилишдан ташқари, бу ерда ҳар қандай маркадаги автомобилни таъмирлаш, уларга техника хизмати кўрсатиш хусусида шартнома тузиш мумкин. Бунда давлат ташкилоти ҳам, акционерлик жамияти ҳам, хусусий корхона ҳам ва ҳатто шахсий машина эгаси ҳам тенг ҳуқуққа эга. Бозор иқтисодиёти қонунлари амал қила бошлаганини шундан ҳам билса бўлади.

Ўтган йилги шундай ярмарканинг қўлами ва миқёси хорижий бизнесчиларни ҳам қизиқтирди.

-- Бундай ярмаркалар харидорларни анча кўпайтириш, иқтисодий аҳволни мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу эса бозор муносабатларига дадил ўтиш учун жуда муҳимдир,— дейди «Ўзавтосозлаш» концерни бошқарувининг раиси Владимир Липатов.— Ўтган йили тўрт марта шундай ярмарка ўтказиб, 56 миллион сўм фойда олдик. Бу пул ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, концерн меҳнатчиларининг ижтимоий эҳтиёжларига сарфланди.

В. ПРУГЕР,
ЎзА мухбири.

БОБУР ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Буюк ватандошимиз, давлат арбоби ва шоир Бобур таваллудининг 510 йиллиги нишонланди. Бу санага чирчиқликлар бир йил аввалоқ тайёргарликни бошлаб юборган эдилар. Тошкент шаҳридан энг яхши ҳайкалтарош ва архитекторлар таклиф этилган эди. Тезда Бобурга атаб бунёд этилажак майдон ва унинг ҳайкали устида ишлар бошланиб кетган, таниқли архитектор Собир Одилов ва ҳайкалтарош Эдуард Сафарянлар ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олгандилар.

Ўтган шанба куни шаҳар маркази чирчиқликлар ва меҳмонлар билан одатдагидан ташқари гавжум бўлди. Шаҳар ҳокими Доннёр Азизхўжаев маросим иштирокчиларини бугунги кун билан табриклаб, мустақиллик шарофати туфайлигина ана шундай буюк ўтмишдошларимиз хотиралари олдидаги қарзларимизни узиш имконияти яратилганлиги, бундай алломаларимиз билан ҳар қанча фахр-нфтихор этсак арзигули эканлиги ҳақида алоҳида тўхталди.

— Бундан буён ушбу майдон ва 8. ва 10-микрорайонлар оралиғидаги катта шоҳ кўча ҳам Мирзо Бобур номи билан юритилади,— деди шаҳар ҳокими.

Таниқли олима Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Беруний ва Жавоҳарлал Неру мукофотлари соҳибаси Сабоҳат Азимжонова тантана иштирокчиларига Бобур ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги маълумотларни сўзлаб берди. Мана, бир неча йилдирки, Чирчиқдаги Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати Ўзбекистон—Ҳиндистон дўстлиги жамияти аъзосидир. Ушбу комбинат директори Эшмурод Ирматовнинг сўзлари эса Бобурнинг ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги беқиёс хизматлари ҳақида бўлди.

Ниҳоят кутилган дақиқалар келиб томошабинлар кўз ўнгида баландлиги 7 метр келадиган, виқор билан боқиб турувчи элпарвар, адолатпеша шоҳ ва шоир Бобур сиймоси яққол гавдаланди. Ўзларига топширилган масъулиятли вазифани шараф билан уддалаган икки ижодкор — Собир Одилов ва Эдуард Сафарянлар маҳоратини томошабинлар олқишладилар.

Ҳайкал очилиши маросимида вилоят ҳокимининг муовини Ҳакимжон Ҳамидов иштирок этди.

З. ЖУРАЕВА.

ВИЛОЯТИМИЗ «НАВРЎЗИ»

Ўтган йилнинг охирида республика «Наврўз» ҳайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ўз фаолиятини бошлаганди. Унинг асосий вазифаси кўпчиликка аён: кўп болали, ҳаётга илк қадам қўяётган ёш оилалар, бахтсиз ҳодисалар ва табиий офатлардан жабр кўрган шахсларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибат, мурувват туйғуларини тарбиялаш ва камол топтириш каби юксак ҳам савобли ишлар. Жамғарма ўз фаолиятидан келиб чиқадиган вазифаларни адо этиш мақсадида ўз қошида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи кичик корхоналар, фирмалар таъсис этишни режалаштирган. Имкониятдан фойдаланиб, вилоятимиз тадбиркорларини ҳамкорликка чақирамиз. Улар биз билан биргаликда ҳамкорлик қилсалар, пировардида, вилоятимиздаги ночор оилалар сони камайган бўларди. Жамғармамиз ташкил топган вақтдан эътиборан ночорларга мурувват улаша бошлади.

Хусусан, республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги кунида қибрайлик беш келинкуёвга «Сино» совутгичи ва бошқа совғалар берилди. Худди шунингдек, сентябрь охирларида Юқоричирчиқ туманида ўтказилган суннат тўйида аҳли зиф ногирон болаларга сарполар кийдирилиб, концерт қўйиб берилди.

Конституция қабул қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан меҳнат фахрийларидан 72 нафарига вилоят ва республика газеталарига бепул обуна бўлишда кўмак берилди. Яқинда вилоят кўзи ожизлар жамиятига бир миллион сўм ёрдам кўрсатилди. Хуллас, 1993 йилнинг октябрь ойидан шу кунга қадар вилоятимиз миқёсида 2,5 миллион сўмлик ҳайрия ишлари бажарилди. Албатта бу ҳамир учидан патир.

Газетхонларни ҳайрия лотереялари тўғрисидаги маълумот ҳам қизиқтириши табиий. «Меҳрибонлик» ҳайрия лотереяси Республика «Наврўз» ҳайрия жамғармаси ва «Хотамтой—XXI аср» фирмаси билан ҳамкорликда чиқарилган бўлиб, унинг тираж жадвали «Меҳригиё» ойлик газетасининг ноябрь сонида, «Правда Востока» газетасининг 1993 йил 18 ноябрь сонида эълон қилинган. Эллик минг сўмгача бўлган утлик сохибларн вилоят «Наврўз» ҳайрия жамғармасидан оладилар, эллик минг ва ундан юқори ютуқ учун эса «Хотамтой—XXI аср» фирмаси (Тошкент шаҳар, 26 квартал 1-б уй, Тел. 75-93-19) га мурожаат қиладилар.

«Ойнинг ўн беши...» деб номланган лотерея эса Республика «Наврўз» ва «Маҳалла» ҳайрия жамғармалари томонидан чиқарилган бўлиб, жами ўн мартаба ҳар ойнинг 15-кунида ўйналади. Ушбу тираж ўйинида тўрт миллиард сўмдан икки миллиард сўми ютуққа берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра чиқарилган ушбу лотерея «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси билан тузилган шартномага мувофиқ республиканинг 12 минг маҳалласида, ҳар бир маҳаллада мингтадан, республика бўйича жами 12 миллион дона лотерея сотилиши мўлжалланган. Шу муносабат билан жойлардаги маҳалла фаолларидан илтимосимиз шуки, ўз турар жойингизда лотереяларни шартнома асосида олиб тарқатишингиз, аввалам бор, ҳайрия лотереясини ўз вақтида сотилишига, қолаверса, жамғармангизни бойишига ҳамда ҳар бир сотилган лотерея учун олти сўмдан, яъни умумий сотилган лотереянинг 3 фоизига эгалик қилиш имконини беради. Ҳар бир фуқаро маҳалладаги жамоат тарқатувчилари бўлиши мумкин. Савдодан тушган фойдани ўзингизнинг кам-кўстингизга, фойдали ишларга яратишингиз мумкин. Энг асосийси, ҳайрия тариқасида тушган маблағ вилоятимиз аҳолисининг кам таъминланган муҳтож оила қатламларига мадад бўлади. Бу билан, бизлар мусулмончилигимизда шарафли ҳисобланган биродарлик ҳиссини амалда қўллаган бўламиз.

Кези келганда айтиш керакки, вилоят «Наврўз» ҳайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўзларининг ҳайрия, меҳр-оқибат борасида ҳиссаларини қўшмоқчи бўлган жамоа ва фуқаролар қуйидаги ҳисоб рақамига пул ўтказишлари мумкин: 000709901, МФО 172787336 ЎзПСБнинг Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур бўлими. Тел. 45-55-56.

Шуҳрат ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти «Наврўз» ҳайрия жамғармаси бўлими бошлиғи.

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ— БОШ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ойининг ўзида бу ерда режадан ташқари 23 минг тонна кўп кўмир қазиб олинди. Бу, яхши, албатта. Лекин Ангрен шаҳар ҳокимлиги кўмир конига амалий ёрдам бериши, назоратни кучайтириши зарур бўлади. Белгиланган тадбирларга мувофиқ Олмалиқ шаҳрида ДВП ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилди.

Шундан сўнг маърузачи ўз сўзида чала қолган қурилишларни қисқартириш юзасидан тадбирлар кўрилаётгани, бу мақсадлар учун вилоят бюджетидан бу йил 3 миллиард сўм купон ажратиш режалаштирилганлигини ҳам маълум қилди. У вилоятда ижтимоий соҳани ривожлантиришга эътибор сусайганлиги олдинги сессияда қаттиқ танқид қилинишига қарамай тиббиёт соҳаси вилоятнинг энг оғир соҳаларидан бири бўлиб қолаяпти, деди. Даволаш муассасаларининг 64 фоизи ноқулай бинолларга жойлашган, уларнинг 37 фоизи ичимлик сув, 32 фоизи марказлашган иссиқ сув билан таъминланмаганлиги олдинги сессияда тўғри танқид қилинган эди. Ҳамон танқиддан кейин ҳам амалий ишга ўтилмаяпти. Бу ишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ташкилотчилиги етишмаётир.

Маърузачи мактаб ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш ва имтиёзли овқатлантириш ишларини яхшилаш юзасидан махсус қарор қабул қилинганлиги, эндиги вазифа унинг ижросини изчил назорат қилишдан иборат эканлигини алоҳида қайд қилди.

— Кўрилган чора-тадбирлар туфайли,— деди у,— вилоятда жиноятларнинг содир этилиши январь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43,8 фоизга камайди. Барча туман ва шаҳарларда ҳам жиноятчилик кескин камайди. Демак, жиноятчиликни бартараф этиш юзасидан белгилаб олинган аниқ режаларни амалга оширишни давом эттириш лозим бўлади.

Нотиқ вилоят қишлоқ хўжалигида рўй бераётган ўзгаришлар, фермалардаги аҳволни яхшилаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам гапирди. Вилоят бўйича январь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 237 тонна гўшт, 206 тонна сут кўп ишлаб чиқарилди. Аҳолини чорва маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун қўшимча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, Чирчиқдаги «Электрохимпром», Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз маҳсулотларини Жанубий Қозоғистон вилоятида бартер йўли билан айирбошлаш ҳисобига 4 минг бош қўй олиб келишди. Бу иш давом этмоқда.

Вилоят гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасига Қозоғистондан мол олиб келиш учун республика ҳукуматидан 20 минг тонна минерал ўғит ажратиш масаласи ҳал этилди. Лекин бирлашма раҳбарлари эндигина 4 минг тонна ўғитни етказиб бердилар. Агар бундай сустлик қилинадиган бўлса эртага кунлар илиб, моллар яйловга чиқиб кетганидан кейин уларни ҳеч ким бермайди. Шунинг учун бу ишни тезроқ амалга ошириш лозим бўлади.

Вилоят матлубот жамияти, «Тошвилоятпасстранс» концерни, вилоят «Қишлоқкимё» бирлашмаси, «Тошвилоятгаз», «Вилоят тайёрлов савдо бирлашмаси» ҳам ўз оталиқларидаги хўжаликларга амалий ёрдам бериб келаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Лекин айрим раҳбарлар шундай хайрли ишдан ўзларини четга олмоқдалар. Хусусан, «Тошоблстройреммебельбит» (раҳбари А. Солиев), вилоят нефть маҳсулотлари бошқармаси (бошлиғи Б. Қодиров), «Вилояттаом» концерни (раиси И. Икромов), вилоят «Водоканал» трести бошлиғи Т. Каримов ўртоқларга бу гаплар кўпроқ тегишлидир.

Нотиқ ўз сўзини ниҳоялар экан, бу йил вилоят меҳнаткашлари зиммасида жуда муҳим ва улкан вазифалар турганлигини, уларни ҳал этишда депутатларга катта умид боғланаётганлигини қайд қилди.

Ҳар бир депутатни давр талабларидан, ўтган ва ҳозирги сессиялардаги билдирилаётган танқидлардан тегишли хулосалар чиқариб, ўз ишига алоҳида масъулият ва фидойилик билан муносабатда бўлиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда кўпроқ ташаббускорлик кўрсатишга даъват этди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 28 июлдаги «Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида «Ташвилоятгаз» бошқармаси бошлиғи **Б. Раҳимов** ва «Оби-ҳаёт» Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи **Л. Пяк** ўртоқларнинг ахборотлари тингланди.

Аввало шуни айтиш керакки, вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири бўлиб турипти. Бу муаммоларни ҳал этишнинг қатор тадбирлари ишлаб чиқилиб амалга оширилди.

Вилоятнинг қишлоқ туманларида магистрал сув қувурлар ва газ қувурлар ўтказилиши учун ўз вақтида ер ажратиб берилди, сув ва газ тармоқларини мумкин қадар кўпроқ қуриш мақсадида бу ишга қўшимча қурилиш-монтаж ташкилотлари, кичик корхона ва ширкатлар жалб қилинди, «Ўзбекгазқурилиш» трестига қарашли махсус 7-механизациялашган кўчма колоннанинг ҳамда «Оби-ҳаёт» Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасининг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди.

Вилоят раҳбарияти моддий-техник ресурсларни излаб топиш, қувур сотиб олиш мақсадида МДҲ минтақалари билан алоқа ўрнатиш чорасини кўрди, сотувга чиқарилиши мўлжалланган режалардан фойдаланилди. Ўзбек металлургия корхонасида қувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида ва Зангиота туманида иситиш қозонлари, чуқур қудуқлардан сув тортадиган насослар, маиший газ плиталари, газ тақсимлайдиган мосламалар, жўмраклар, газ горелкалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ишга вилоятдаги корхона ва хўжаликларнинг, республика вазирликлари ва идораларининг улушлари, банклардан олинган қарзлар жалб қилинди. Фақат 1993 йилнинг ўзида вилоятда қурилган жами сув қувурларининг 39 фоизи, газ қувурларининг 69 фоизи мана шундай маблағлар ҳисобига қурилди.

Пайдо бўлаётган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш учун вилоятда ва туманларда ишчи гуруҳлари тузилди. Ўз вақтида кўрилган чора тадбирлар тоза сув билан таъминлаш ишларини уч баробар, газлаштириш ишларини тўрт баробардан зиёд ошириб бажариш имконини берди. Натижада 1990—1993 йилларда вилоят бўйича 2288 километр газқувур, 804 километр сув қувурлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Депутатлар ана шу икки масалани қизғин муҳокама этар эканлар, амалга оширилган бу тадбирларни эътироф қилиш билан бирга асосий диққат-эътиборни йўл қўйиб келинган камчилик ва нуқсонларни рўй-рост очиб ташлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратдилар. Ҳар икки ташкилот фаолияти чуқур таҳлил этилди.

Жумладан, Қуйичирчиқ туманининг ҳокими **Р. Каримов**, сессия қатнашчиларининг диққат-эътиборини қуйидагиларга қаратди.

— Ҳозир — деди нотиқ,— туманда газлаштириш 67 фоизга бажарилган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туман аҳолисининг қолган қисмини табиий газ билан таъминлаш масаласи бир-икки йилдан бери ҳал бўлмай келмоқда. Ваҳоланки, газ қувурлари ва керакли бошқа нарсаларни олиш учун бизда маблағ етарли. Агар ана шу нарсалар маҳсулот алмаштириш йўли билан олинадиган бўлса ҳам туманда имкониятларимиз бор. Бироқ вилоят газлаштириш бошқармаси раҳбарларининг қатъий ва изчил иш олиб бормаганликлари туфайли бу ғоят зарур масаланинг ечими ҳал бўлмай қолмоқда. Ҳанузгача тумандаги 6 та йирик хўжаликка умуман газ боргани йўқ. Агар бор имкониятлар ишга солиниб, «Вилоятгаз» бошқармаси астойдил киришса, 20 километрлик масофага газ келтириш мумкин. Шунда биз 1995 йилда туман аҳолисини газ билан тўлиқ таъминлашга муваффақ бўлган бўлур эдик. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, яна бир энг муҳим ҳаётий масала — туман аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳам жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бизнинг туман оқава чиқиндиларининг кўпроқ ўтиши туфайли юқумли касалликлар кўпайиш хавфи кучлироқ бўлган жой деб ҳисобланмоқда. Ҳозирча туман аҳолисининг 69 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган.

Шундан сўнг нотиқ ҳар икки муаммони ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ўз таклиф — мулоҳазаларини ўртага ташлади.

— Бугунги сессияга энг долзарб масалалар киритилганлигидан хурсандман,— деди Оҳангарон тумани марказий шифохонасининг бош шифокори **Т. Қаюмов.**— Маърузалардан маълум бўлдики, вилоятда бирмунча ишлар қилинган. Лекин улар талаб даражасида эмас. Ҳали кўпгина қишлоқлар газлашмаган. Аҳолининг ичимлик сувга бўлган талаби ҳам қондирилмаяпти. Хусусан, Оҳангарон туманида бу аҳвол ўта ночор. Қувурлар ёрилиб кетган. Бир қатор қишлоқларда аҳоли ариқ сувларини истеъмол қилмоқда. Натижада турли касалликлар кўпайиб бораётир. Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида саноат корхоналарининг чиқиндилари эса сувларни ифлос қилмоқда. Ана шундай чиқинди таъсири туфайли экин экиладиган ерлар яроқсиз бўлиб қолмоқда. Мен бир депутат сифатида ҳурматли саноатчиларга: одамларни заҳарлашни қачон тўхтатасизлар, демоқчиман. Ҳар иккала ташкилотларнинг фаолиятини қониқарсиз деб топаман.

— Маърузалардан кўриниб турибдики, ҳали амалга оширилмаган ишлар кўп, оширилганлари эса талаб даражасида эмас,— деди музокарада сўз олган Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси депутат **М. Султонқулов,**— бизнинг туманимизда узоқ қишлоқларга умуман газ етиб бормаган. 14 минг аҳоли яшаётган хўжалигимизда эса эндигина марказ газ билан таъминланди, холос. 16 километрга ўтказилган газ тармоқларининг 5 километри бюджетдан, 11 километри эса хўжаликдан ва шу ердаги аҳолининг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Буни таъкидлаётганим агар газ ва сув билан таъминлаш ташкилотлари раҳбарлари бизнинг ҳолимиздан тез-тез хабар олиб турсалар, ўзимиз ҳам қараб турмаймиз, демоқчиман. Иш эса жадаллашган бўлур эди. Яна бир мушкуллик мактаблар, боғчаларни газлаштириш жараёнидаги қоғозбозлик ва сарсонгарчиликнинг барҳам топмаётганлигидир.

Раис аҳолини ичимлик сув билан таъминлашдаги қийинчиликлар ҳақида гапирар экан, бу борада капитал ишлар амалга оширилмаётгани, Б. Раҳимов, Л. Пяк ўртоқлар қишлоқларда кам бўлаётганликларини таъкидлаб ўтди. Хўжаликда пахта толаси, сабзавот борлигини қайд қилиб, уларни газлаштириш, сув билан таъминлаш учун зарур бўлган қувурлар, бошқа асбобларга алмаштиришда мазкур ташкилотларнинг ёрдамлари кераклигини таъкидлади.

— Ҳозиргина депутатлар бизнинг дардимизни айтишди,— дея сўз бошлади Пискент туманидаги Ўзбекистон мустақиллиги номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси **З. Деҳқонбоева,**—сессияда кўрилаётган бугунги масалани қишлоқ аҳолисига билдирилган ҳурмат белгиси деб тушунаман. Пискент туманида газлаштириш бор-йўғи 41 фоизга амалга оширилган. Лекин бизнинг хўжалигимиз ихчамроқ бўлгани учун аҳолини газ билан тўла таъминлашга эришдик. Аммо депутат сифатида «Пискент», «Дўстлик» жамоа хўжаликлари мутлақо табиий газдан баҳраманд эмасликларинг ачиниш билан айтмоқчиман. Ҳар иккала хўжаликда 40 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Одамлар билан мулоқотда бўлганимизда «жуда бўлмаса суюлтирилган газни вақтида бериб туришсин» дея илтижо қилишади. Ичимлик суви ҳақида гапирганимда юрак ғаврим куйиб кетади. Олмалиқ саноат корхоналаридан чиққан чиқиндилар истеъмол сувларини ифлослантирибгина қолмасдан, аҳолига ичимлик суви машиналарда ташиб келтириб берилмоқда. Икки йилдан буён бизнинг хўжалигимиз ташиб келтирилган сув учун 5 миллион сўм, навоийликлар эса 4 миллион сўм сарфладилар. Агар тезроқ ҳаракат қилинмаса, яқин орада бутун Пискентга сувни ташиб келтиришдек ташвишли ҳолга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Туманимизни тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун 5 миллиард сўм керак бўлгани ҳолда, «Оби ҳаёт» Тошкент қурилиш бошқармаси 200 миллион сўм ажратибди, холос. Бизга ниҳоятда тез ёрдам керак...

Бундай ёрдамни тезлаштириш учун бошқарув раиси вилоят ҳокимлигидан, юқоридаги икки ташкилот раҳбарларидан ишчи гуруҳи тузишни илтимос қилди. Гуруҳ аҳоли турмуш тарзидан мунтазам хабардор бўлиб туриши ва амалий ишга кўмаклашиши зарур дея таъкидлади. Пискентликлар бундай эътиборга фидокорона меҳнатлари билан жавоб берган бўлур эдилар, деди у.

Бўка туманида ҳам аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ўта ночор аҳволда. Туманда 1990 йилгача газлаштириш 7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 17 фоизга етган, холос. Фақатгина Бўка марказини газлаштириш жадалроқ борган.

— Шу йили 8 та хўжаликдаги йиғилишларда қатнашдим,— дейди туман ҳокимининг биринчи муовини **Р. Саидов,**— одамлар менга мурожаат қилиб: худо хайр берсин, жуда бўлмаса рўза кунлари бир баллондан суюлтирилган газ беринглар, — дея илтимос қилишганда ўзимни қўярга жой тополмадим. Ғўзапоя йўқ, тандирга ёқай деса ўтин йўқ, нон олай деса дўконда навбат катта, кўмир қиммат, аҳоли ниҳоятда тез ёрдам керак.

Бундан ёрдамни тезлаштириш учун бошқарув раиси вилоят ҳокимлигидан, юқоридаги икки ташкилот раҳбарларидан ишчи гуруҳи тузишни илтимос қилди. Гуруҳ аҳоли турмуш тарзидан мунтазам хабардор бўлиб туриши ва амалий ишга кўмаклашиши зарур дея таъкидлади. Пискентликлар бундай эътиборга фидокорона меҳнатлари билан жавоб берган бўлур эдилар, деди у.

Бўка туманида ҳам аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ўта ночор аҳволда. Туманда 1990 йилгача газлаштириш 7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 17 фоизга етган, холос. Фақатгина Бўка марказини газлаштириш жадалроқ борган.

— Шу йили 8 та хўжаликдаги йиғилишларда қатнашдим,— дейди туман ҳокимининг биринчи муовини **Р. Саидов,**— одамлар менга мурожаат қилиб: худо хайр берсин, жуда бўлмаса рўза кунлари бир баллондан суюлтирилган газ беринглар, — дея илтимос қилишганда ўзимни қўярга жой тополмадим. Ғўзапоя йўқ, тандирга ёқай деса ўтин йўқ, нон олай деса дўконда навбат катта, кўмир қиммат, аҳоли ниҳоятда тез ёрдам керак.

Бундай ёрдамни тезлаштириш учун бошқарув раиси вилоят ҳокимлигидан, юқоридаги икки ташкилот раҳбарларидан ишчи гуруҳи тузишни илтимос қилди. Гуруҳ аҳоли турмуш тарзидан мунтазам хабардор бўлиб туриши ва амалий ишга кўмаклашиши зарур дея таъкидлади. Пискентликлар бундай эътиборга фидокорона меҳнатлари билан жавоб берган бўлур эдилар, деди у.

Бўка туманида ҳам аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ўта ночор аҳволда. Туманда 1990 йилгача газлаштириш 7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 17 фоизга етган, холос. Фақатгина Бўка марказини газлаштириш жадалроқ борган.

— Шу йили 8 та хўжаликдаги йиғилишларда қатнашдим,— дейди туман ҳокимининг биринчи муовини **Р. Саидов,**— одамлар менга мурожаат қилиб: худо хайр берсин, жуда бўлмаса рўза кунлари бир баллондан суюлтирилган газ беринглар, — дея илтимос қилишганда ўзимни қўярга жой тополмадим. Ғўзапоя йўқ, тандирга ёқай деса ўтин йўқ, нон олай деса дўконда навбат катта, кўмир қиммат, аҳоли

нима қилиши керак. Очиғи «Оби ҳаёт»нинг бор-йўқлигини билмайман. Ваъдалар эса одамларнинг жонига тегди. Таклифим шундай: вилоятдаги газ, сувга мутасадди ўртоқлар аҳоли орасига боришсин, уларнинг дардини ўзлари эшитишсин, балки юраклари юмшаб ёрдам қўлларини чўзишар.

Сессия қатнашчилари «Ўзбектрансгазқурилиш» трестининг бош мухандиси **А. Ёқубов**нинг сўзини ҳам тингладилар. Нотиқ Президент фармони бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилганлиги, қишлоқларни газлаштиришни кўзлаб кичик корхоналар ташкил этилганлигини қайд қилди. Вилоятда газлаштириш борасида йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларига тўхталди. Маҳсулот алмаштириш йўли билан туманларнинг қувурларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятлари мавжудлигини билдирди.

— Анчадан буён бир-биримизнинг юзимизга очиқ-ойдин, бор гапни айтмаган эдик, — деди ўз нутқида вилоят ҳокими муовини **Ҳ. Аҳмедов.**— Маърузалардан худди ҳамма ишлар жойидагидек кўринади. Масаланинг моҳияти эса сўзга чиққан ўртоқлар фикрларида маълум бўлди. Ҳали бу борада жиддий камчиликлар мавжуд. Вилоят аҳолисидан ҳар куни табиий газ ва сув масаласи билан боғлиқ бўлган 8—10 та шикоят олинмоқда. 80—85 фоиз шикоятчиларнинг талаби газ ва сув бўлиб қолмоқда. 1990 йилдаги Президент фармони бежиз қабул қилинган эмас. Бозор иқтисодиёти талаблари нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, кўп имкониятлар бой берилди. Ўша пайтда қувурларнинг нархи арзон эди. Эндиликда бир тонна қувур 2—3 миллион сўм купон бўлиб кетди. Вақтида ҳаракат қилганимизда бугунги кундагидек қизармаган бўлур эдик.

Нотиқ вилоятда газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги ишларнинг қаноатланарли даражада эмаслигини таъкидлади. Кўпгина туманларда қўшимча газ тармоқлари ўтказилмаса яқин келгусида аҳвол бундан ҳам мушкуллашиб қолишини қайд этди.

Вилоят ҳокими **М. Икромов** ҳар иккала масала бўйича ҳисоботлар ва музокараларга якун ясар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

— Аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи,— деди у — республикамиз Президенти ва ҳукуматининг доимий диққат марказида турган энг долзарб масалалардандир. Шунинг учун ҳам Президент томонидан қабул қилинган фармонларнинг дастлабкиларидан бири ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган эди. Лекин орадан ўтган давр ичида ана шу фармоннинг бажарилишини назорат қилиш қатъий ва талабчанлик асосида бўлмади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1985-87 йилларда газ ва сув таъминотини яхшилашнинг имкониятлари катта эди. Ана шу имкониятлардан ўз вақтида самарали фойдаланилмади. Халқимизда вақтинг кетди, деган ҳикматли нақл бор. Вилоятда вақт қўлдан бой берилди. Эндиги вазифа — ана шу кемтик жойимизни дарҳол бутлаш, барча имкониятларни ишга солиб, бу масалани тезроқ ҳал этишдан иборатдир. Шуниси ачинарлики, пойтахт вилояти ўрнак бўлиш ўрнига, бугун муҳокама қилинаётган масалаларда жуда орқада қолиб кетдик. Вилоятимизда газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлашнинг сустлик билан ҳал этилаётганлигининг яна бир асосий сабаби — бу икки соҳанинг вилоят миқёсидаги раҳбарлари ва уларга қарашли тизимларнинг бошлиқлари ҳаётдан ажралиб қолганлигидадир. Улар меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондириш ўзларининг асосий бурчлари эканлигини унутиб қўйдилар. Ташаббус, ғайрат ва фидокорлик кўрсатмадилар. Натижада ҳукуматга ҳамда вилоят ҳокимлигига келаётган шикоятларнинг кўпчилиги ҳамон газ ва ичимлик сув таъминотига оид бўлиб қолмоқда. Бундай лоқайдликка туман ҳокимлари ва мутасадди ташкилотлар ҳамда хўжаликлар раҳбарлари ҳам айбдордирлар.

Айни пайтда М. Икромов ҳар иккала ташкилот раҳбарлари фаолиятларини чуқур таҳлил этиб, уларнинг лоқайдликлари, ўз ишларига панжа орасидан қараганликлари туфайли аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашда аниқ ва изчил режа асосида иш олиб борилмаганлигини ҳам қайд қилиб ўтди. Оқибатда баъзи туманларни газлаштириш, сув билан таъминлаш 70—80 фоизга етган бўлса, айримларида бу кўрсаткич аранг 20—30 фоизни ташкил қилган.

Ҳоким рўй берган камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, вилоят, шаҳар ва туманлардаги аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминловчи мутасадди ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари, жойлардаги фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, маҳаллалар қўмиталари бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари, муаммоларни жадал ҳал этишда тезроқ амалий ишга киришишлари зарурлигини таъкидлади.

Сессияда депутатлар «Тошкентвилоятгаз» бошқармаси бошлиғи Б. Раҳимов ва «Оби ҳаёт» Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Л. Пяк ўртоқларнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги фаолиятларини қониқарсиз деб топдилар.

Шундан сўнг депутатлар кун тартибидаги навбатдаги масалалардан бири — «Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 1994 йил учун асосий параметрлари тўғрисида»ги масала бўйича вилоят ҳокимлиги молия бошқармасининг бошлиғи **Б. Ҳосиловнинг** маърузасини тинглаб муҳокама қилдилар.

Маърузачи 1994 йил учун мўлжалланаётган бюджетнинг параметрларини кенг шарҳлаб берди. Бюджетга тушадиган даромадларни кўпайтириш, унинг етишмаган қисмини тўлдириш манбаларини кўрсатиб ўтди. Бу соҳада амалга ошириш мўлжаллаб қўйилган молиявий тадбирларни баён қилди. Шу билан бирга маърузачи мазкур масала юзасидан тушган саволларга жавоб қайтарди.

Бу масалани муҳокама этишда Бекобод тумани ҳокими **М. Расулов** ва Тошкент тумани ҳокими **Р. Акбаров** ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар маҳаллий бюджетнинг бажарилиши бўйича 1994 йил учун белгиланган асосий йўналишларни ўз туманлари мисолида ифодалаш билан бирга, вилоят бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш имконини берадиган айрим таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Жумладан, ҳар икки ҳокимнинг таъкидлашича, бюджет тақчиллигини янги-янги қўшма ва кичик корхоналар, турли фирмалар, хусусий савдо-сотиқ тармоқлари ва тижорат ишларидан келадиган даромадлар ҳисобига тўлдириш мумкинлиги ҳақида гапирдилар, вилоят бюджетининг 1994 йилги асосий параметрларини маъқулладилар.

Вилоят солиқ бошқармасининг бошлиғи **Р. Усмонов** ҳам ўз сўзини бюджет тақчиллигини тўлдириш билан боғлиқ масалаларга қаратди, солиқ бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларга тўхталди.

Сессияда депутатлар вилоят ҳокимлиги молия бошқармасининг бошлиғи Б. Ҳосилов баён этган «Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 1994 йил учун асосий параметрлари»ни маъқулладилар.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри билан Қозоғистон Республикасининг Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома ҳақида»ги масалани муҳокама қилдилар.

Бу ҳақда вилоят ҳокимининг муовини **Ҳ. Ҳамидов** ахборот берди.

— Мазкур шартнома, — деди нотиқ, ахборотида, — икки қардош давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ва доимий алоқаларнинг ривожланишига катта хизмат қилади. Жанубий Қозоғистон вилояти билан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ўртасидаги амалий ҳамкорлик бошланиб кетди. Ўзаро борди-келдилар кучаймоқда, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг янги-янги қирралари очилмоқда. Ҳар иккала вилоят меҳнаткашлари — оддий фуқаролар бундай ўзаро ҳамкорлик самарасини ҳозирданоқ кўра бошладилар. Чунки икки вилоят ўртасидаги божхона тўсиқлари олиб ташланди. Икки қўшни халқ вакиллари эркин бозордан бемалол фойдаланмоқдалар. Олди-сотди ва маҳсулот айрибошлаш тобора ривожланмоқда. Бундай ҳамкорликнинг умидбахш самараларидан икки вилоят меҳнаткашлари ғоят манфаатдордирлар.

Депутатлар мазкур маълумотни ахборот учун қабул қилдилар.

Ниҳоят ,кун тартибидаги сўнгги масала — халқ депутатлари «Тошкент вилоят кенгаши мандат қомиссиясининг таркибига ўзгартиш киритиш ҳақидаги» масала муҳокама этилди. Вилоят Кенгашининг депутати, Тошкент туманидаги 3-мактаб директори **Жамила Бексултонова** вилоят Кенгаши мандат комиссиясининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Президенти Девонининг масъул ходими **М. Қаюмов** иштирок этди.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛИШИ УЧУН

Тошкент метрополитени бош бошқармасида шанба ва якшанба кунлари поездлар ҳаракати жадвали қайта кўриб чиқилди. «Бозор кунлари»да «Собир Раҳимов» ва «Чорсу» станцияларида йўловчиларнинг кўплиги жадвални қайта кўриб чиқишга сабаб бўлди. Эндиликда бу йўлларда соат 10—14 га қадар поездлар кўпроқ қатнайди.

Ҳозир Тошкент метрополитени депосида янгидан иккита поезд пайдо бўлди.

Йўловчиларга хизмат қилиш маданиятини ошириш учун ўтган йилнинг охирида йўловчилар кира ҳақи тўлашини магнитли карточкаларга қараб назорат қилиш тизимидан фойдалана бошладик ва бу усулни январь ойида тўла жорий этдик,— деди метрополитен бош муҳандиси Ҳ. Ғафуров.— Ҳозирги вақтда ҳар куни 10 минглаб кишилар шу тизимдан фойдаланмоқда, натижада жетонларни сотиб олиш учун навбатда турувчилар анча камайди.

Бу йўловчиларнинг кўз олдидаги янгиликдир. Лекин одамларнинг кўзига ташланмайдиган, техника воситаларимизнинг пухталигини, йўловчилар ташиш хавфсизлигини оширишга қаратилган янгиликлар ҳам бор. Масалан ўтган йилнинг ўзида 20 та янги техникани, шунингдек 100 га яқин ихтирочилик таклифларини жорий этдик, бу эса катта иқтисодий самара берди. Чунончи яқинда поездлар ҳаракатини, электр ускуналар, эскалаторлар ишини назорат қилишнинг электрон тизими жорий этилди.

Ўтган йили кўпгина иқтисодий қийинчиликларни енгиб, Ўзбекистон йўлида электродепонинг биринчи навбатини ишга туширдик. Илгари фақат Чилонзор депоси поездларга хизмат қилар эди. Шу йил январда Ўзбекистон йўлида мотодепо ҳам ишга туширилди. Тунда, поездлар ҳаракати тўхтагач, депо ходимлари йўловчиларни ташиш хавфсизлигини оширишга доир ҳамма ишларни бажарадилар. Мотодепо ҳузурида ҳозир вагонларни таъмирлаш базаси қурилмоқда.

Кўпгина тармоқларда иқтисодий алоқалар узилиб қолган бир пайтда Тошкент метрополитени Митишчи машинасозлиги заводидан вагонлар олмоқда. Масалан ўтган йили 17 та вагон олинди, бу йил 8 та вагон келтирилиши кутилмоқда. Тошкент метрополитени тармоғини кенгайтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Қийинчиликларга қарамай, Юнусобод йўли қурилиши давом этмоқда.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

● ЯНГИЙЎЛ туманида яна бир кичик корхона ишга туширилди. Бу «Азкон» ишлаб чиқариш тижоратчилик бизнес маркази томонидан ташкил этилган еттинчи кичик цехдир. Цехда республикамизда камёб бўлган маҳсулот — пайпоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цех икки сменада ишламоқда. Бу ерда асосан шу атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи ўнлаб қизлар ишлашяпти. Суратда: пайпоқ ишлаб чиқариш цехида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

ШУНДАЙ МАСКАН БОР

ТУРОН ЗАМИНИ қайнар булоқлари, шифобахш гиёҳлари ва знраворлари билан ҳам тенги йўқ жаннатмакондир. Шундай ҳосиятли заминда умргузорлик қиладиган юртдошларимиз дам олиш, соғлиқларини тиклаш умидида Кавказ, Крим ва бошқа минтақаларга талпинишарди. Ваҳоланки, Ўзбекистон қуёши, ҳавоси, сувининг ўзи бебаҳо. Қолаверса, ўзга ўлкаларнинг табиий иқлим шароити бизнинг халқимиз мижози, ҳаёт тарзи ва миллий хусусиятларига тўғри келмасди.

Ҳамма гап шундаки, Ўзбекистонни хом ашё марказига айлантирган собиқ Марказ ўлкамиздаги шифобахш, давобахш, хушманзара гўшаларда Кавказу Қрим, Россия ва Украинадагича ўхшаган санаторий-курортлар барпо этиш, одамларни шу ернинг ўзида даволанишларига шароит яратишга эътибор бермасди. Битта-иккита санаторийлар ҳам номигагина ишларди. Худога шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати туфайли юртимизнинг одамлар соғлигига хизмат қиладиган бебаҳо бойликларидан ўзимиз фойдаланиш имкониятига эга бўлдик.

Мана, бугун Ўзбекистонимизда ўнлаб санаторий-профилакторийлар, дам олиш уйлари, соғломлаштириш зоналари халқ хизматида. Ҳатто жамоа ва давлат хўжаликлари, йирик корхона ва қурилиш ташкилотлари ҳам ана шундай масканга эга. Тошкент шаҳридан 15—20 километр узоқликда, Ўртасувул ҳудудида жойлашган, гўшт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Зангиота» профилакторийси ҳам ана шундай даволаш масканларидан бири ҳисобланади.

Йилига 15—20 минг киши саломатлигини тиклаб, дам олиб қайтаётган бу шифохона 1984 йилда ташкил топганди.

— Кейинги йилларда санаторийимиздаги ўринлар кўпайиб, шифо истаб келганларга хизмат кўрсатиш турлари кенгайди,— дейди бош шифокор Фахриддин Сайдалиев.— Дастлаб санаторийга ажратилган ташландиқ чакалакзорларни қайта ўзлаштириб, даволангани келганлар дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган боғ-гулзорга айлантирдик. Кўримсиз бино ўрнида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ун қаватли давохона қад кўтарди. Шунингдек, тажрибали мутахассисларни хизматга таклиф қилдик. Мана бугун кўп йиллик меҳнатимиз мевасини одамлар татишаётганидан хурсандмиз.

Бошида Зангиота гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларига хизмат қилишга мўлжаллаб қурилган санаторийнинг шуҳрати бугун фақат Тошкент вилоятида эмас, бутун республикага машҳур. Айниқса, ер қаъридан ,жигар, буйрак, ошқозон-ичак дардларига давобахш сув чиққанидан кейин «Занги ота» санаторийсини излаб келувчилар кўпайди. 1991 йилда санаторий хўжалик ҳисобида ишлайдиган жамоага айлантирилгач, бу ерда катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса, минерал сув билан даволайдиган бўлнмнинг ишга тушиши хизмат турларини кенгайтиришга йўл очди.

Давохонада бўлиб, узоқ-яқиндан келиб, дардларига шифо топаётган кишилар билан суҳбатлашганимизда ва одамлар хизматида тунни кунга улаётган шифокорлар меҳнати билан танишганимизда бу маскан ҳақида эшитганларимизга тўла ишонч ҳосил қилдик.

— Пискент туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги пахта пунктида ишлардим,— дейди сакксиз фарзанднинг онаси Гулкой Раҳимова,— оғирдардга чалиниб, юролмай қолдим. Узоқ вақт шифохоналарда даволандим. Лекин дардим енгиллашиш ўрнига, оёқларим увишиб қоладиган бўлди. Одамлардан мана шу санаторий ҳақида эшитиб, бу томон талпиндим. Мана, йигирма бир кунда қўлимдаги ҳассаларни ташлаб, ўзим юрадиган бўлдим. Санаторийда яратилган

Автотранспортда кира ҳақининг ошишини шарҳлаймиз

ҲАРАЖАТИ КАТТА, УНИ ҚОПЛАШ КЕРАК

ШУ ЙИЛНИНГ 1 февралидан бошлаб шаҳар ичида ва шаҳар атрофида қатнайдиган автобусларда йўловчилар ва юк ташиш нархи яна оширилди. Эндиликда шаҳар автобусида ҳар бир йўловчи 50 сўмдан ҳақ тўлайди. Шаҳар атрофида қатновчи автобусларда эса ҳар километр масофа учун ҳақ тўлашнинг янги тарифи жорий қилинди. Шунга мувофиқ бир йўловчининг бир километр масофага ташиш умумий турдаги автобусларда 8,5 сўм ҳамда юмшоқ ўриндиқли автобусларда 12 сўм 50 тийин қилиб белгиланди.

Маълумки, пойтахт вилоятимизда йўловчи ташишнинг энг таркалган тури автобусларга тўғри келади. Ҳозирги вақтда унинг улуши вилоят бўйича йўловчилар ташишнинг 90 фоиздан ортиқроғини ташкил этади. Шу кунларда 99 та шаҳарларараро, 282 та шаҳар атрофи ҳамда 92 та шаҳар ичи йўналишлари ишлаб турибди. Ҳар куни концернимиз автомобиль корхоналари автобуслари ёрдами билан 1 миллион нафардан ортиқ йўловчи белгиланган манзилларга етказиб қўйилмоқда. Вилоятнинг деярли барча манзилгоҳлари бир-бирлари билан автобус йўналиши орқали боғлангандир.

Шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишида қатновчи автобуслардан аҳоли тобора кенг фойдаланмоқда. Шу сабабли ҳам уларда йўловчилар ташиш йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Амалда ҳар бир киши ҳар куни жилла қурмаганда бир марта автомобиль транспорти хизматидан фойдаланмоқда. Бироқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш доим ҳам талаб даражасида бўлаяпти деб, айта олмаймиз. Ишимизда камчиликлар ҳам бор. Унинг сабаблари турли-тумандир. Йўловчи ташишга мўлжалланган автомобиль транспортининг муаммолари ҳам унинг бошқа турларидаги каби кўпайгандан кўпайиб бормоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, шаҳар атрофига қатнайдиган транспорт бундан икки йилча илгари рентабелли ҳисобланарди. Муайян даражада фойда келтирарди. Эндиликда йўловчи транспорти режали зарар кўриб ишлайдиган тармоққа айланди. Бунинг энг асосий сабаби ёнилғи, энергетика ва моддий-техника ресурсларига нисбатан нарх-навонинг кескин ошиб кетиши бўлди, деб айтиш мумкин. Бир вақтлар бир тонна бензиннинг нархи сал кам 170 сўм турарди. Ҳозирги кунда эса вилоятимизнинг автомобиль корхоналари унинг ҳар бир тоннаси учун 770 минг сўм тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда ёнилғи нархи 4 минг баравардан зиёд ошди.

Йўловчи автотранспортининг ишлаши учун зарур бўлган бошқа барча ресурслари ҳарид қилиш нархлари ҳам шунга ўхшаш ниҳоятда ошиб кетди. Айни вақтда шаҳар автобусида чипта нархи минг баравар ошди. Шаҳар атрофига қатновчи автобусларда эса бу камроқ кўпайди. 500 баравардан зиёдроқ ортди. Шунинг учун йўловчи ташишдан кўрилган зарарни қоплаш учун республика ҳукумати давлат бюджетидан жуда катта сармоя ажратмоқда.

Бундан тащқари, йўловчи ташийдиган автотранспортнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун автобуслар паркини муттасил янгилаб туриш талаб қилинади. Чунки, улар маънавий ва жисмоний эскиради. Яроқсиз ҳолга келиб қолади. Уларнинг ўрнини доим тўлдириб туриш лозим. Акс ҳолда хизмат кўрсатиш ҳажми ва маданияти янада камайиб кетиб, йўловчилар анча қийналиб қолишлари мумкин.

Маълумки, илгари автобуслар собиқ Иттифоқдаги республикалардан олиб келинарди. Жумладан, Россия, Украина бизнинг талабимизни ҳисобга олиб, керакли автобусларни юбориб турарди. Эндиликда аҳвол тубдан ўзгариб кетди. Бу республикалардан автобуслар келтириш камайди. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили Россиядан ПАЗ маркали ва нархи 5,5 миллион сўмлик 10 тагина автобус олинди. Ҳар бири 6,5 миллион сўмлик ЛАЗ маркали автобуслардан эса ҳаммаси бўлиб 18 та келтирилди, холос. Бу билан эҳтиёжни қондиришнинг иложи бўлмаяпти.

Шунинг учун автобуслар етказиб берувчи янги шериклари қидириб топишга мажбур бўляпмиз. Шу мақсадда қатор хорижий мамлакатларнинг фирмалари билан мулоқотда бўлдик. Натижада улардан автобуслар харид қилиш имкони туғилди. Чунончи, ҳар бири 14 миллион сўмликдан ортиқ турадиган Жанубий Корея автобуслари олинмоқда. Ҳозиргача бундай транспорт воситаларидан 113 таси келтирилди. Айни вақтда Туркияда ишлаб чиқарилган автобуслар ҳам харид қилинмоқда. Унинг ҳар бири бизга 12 миллион сўмга тушяпти. Бундай транспорт воситалари шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Транспортчиларимиз ўз корхоналарининг зарар кўриб ишлашини камайтириш, янги-янги имкониятларни қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳар бир корхонада «Иқтисодий ислоҳотлар дастури» ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Бу дастурда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, автобуслардан фойдаланиш ҳаражатларини камайтириш, шунингдек, тушумлар устидан назоратни кучайтиришга қаратилган чоралар мажмуини амалга ошириш назарда тутилди.

Бу ва тармоқ дастурлари пойтахт вилояти аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш ишида айрим ижобий натижаларга эришиш имконини бермоқда. Масалан, ўтган йили кўрилган чоралар туфайли шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчилар ташишдан кўриладиган ва режада назарда тутилган зарар деярли учдан бир қисмга камайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, автобусларда пассажирлар ташиш тарифларининг оширилиши зарур ва айни вақтда мажбурий чора бўлди. Бироқ, шунга қарамай, кўрилаётган барча зарарларнинг ўрни қопланмаяпти. Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда шаҳар автобусида ҳар бир йўловчини ташиш ҳаражати ҳозирги вақтда 65 сўмдан ошиқроқни ташкил этмоқда. Шаҳар атрофида қатнайдиган автобусларда эса ҳар бир йўловчини бир километр масофага ташиш 10 сўмдан ортиқроққа тушмоқда.

Йўловчиларни ташиш тарифларининг ортиши концернимиз зиммасидаги вазифанинг масъулиятини янада оширади. Аввало биз йўловчиларга хизмат кўрсатишни муттасил яхшилаб боришимиз ва уларнинг мўлжалланган манзилларга вақтида етиб боришларини таъминлашимиз лозим. Афсуски, ҳозирча ишимизда нуқсонлар ҳам бор. Айрим ҳолларда автобусларнинг етишмаслиги, ҳайдовчиларимизнинг лоқайдлиги, диспетчер хизматининг пухта йўлга қўйилмаганлиги шунга сабаб бўлаяпти. Лекин, биз пойтахт вилояти аҳолисининг шаҳар ва шаҳар атрофи йўловчилар ташишга бўлган талабини тўла қондириш. уларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдан иборат аниқ вазифамизни бундан буён ҳам давом эттиравермиз. Бунинг учун зарур бўлган барча чораларни кўрамиз.

С. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Тошвилйўловчитранс» концерни бошқаруви раиси.

• Йил якуни ҳақида мулоҳазалар • Иқтисодий ислоҳот йўлларида

КОМБИНАТ: МАРОМ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Иқтисодий жиҳатдан анча мушкул ҳозирги шароитда бир маромда, барқарор ишлаш ниҳоятда мураккаб бўлиб қолди. Лекин, шунга қарамай ишлаб чиқариш жараёнининг узилишларсиз давом этишига эришаётган меҳнат жамоалари ҳам йўқ эмас. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек бундай жамоалар олма пиш оғзимга туш қабилида ишламасдан янги-янги имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш билан муттасил шуғулланмоқдалар. Кўп жиҳатдан шу туфайли ҳам зиммаларидаги вазифаларини беками-кўст бажаришга эришмоқдалар.

Шундай жамоаларнинг бири Қибрай яхна ичимликлар комбинатидир. Бу корхонанинг барпо этилиши хориж билан боғлиқ бўлганлиги ҳаммага маълум. Унинг айрим технологик линиялари, асбоб-ускуналари ўша вақтда Оврўпа мамлакатларидан валюта ҳисобига, маҳсулот айрибошлаш ҳисобига келтирилган эди. Айрим ичимликларни тайёрлаш учун ҳом ашё ҳамон четдан келтириляпти. Жамоа улар билан иқтисодий алоқаларнинг сақлаб қолинишига эришди ва эришмоқда. Комбинат бош муҳандиси Ў. У. ИКРОМОВ билан суҳбатимиз мазмунини шу жамоа фаолиятига оид бошқа масалалар ташкил этди.

— Ўткир Усмонович, комбинат жамоасининг бир маромда ишлашга қандай эришаётганлиги, унинг асосий омиллари тўғрисида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил гапириб беришим мумкин. Энг асосийси, биз иш маромини сақлаб қолаолдик. Албатта, бунга эришиш осон бўлмади. Чунки, собиқ Иттифоқнинг мустақил давлатларга парчаланиб кетиши ўн йиллар давомида таркиб топган иқтисодий алоқаларни, айниқса ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни сақлаб қолишни ниҳоятда мушкуллаштириб қўйди. Бошбошдоқлик мисли кўрилмаган даражада кучайиб кетди.

Бу асосан узоқ ва яқин чет эл мамлакатларидан асбоб-ускуналар олган, айрим ҳом ашё турларини ҳам ҳамон келтираётган бизнинг комбинатимиз каби корхоналарни жуда қийин аҳволга солиб қўйиши турган гап эди. Лекин комбинат маъмурияти қўл қовуштириб ўтирмади. Ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам илгари яхши йўлга қўйилган ҳамкорлик ришталарини узмасликка ҳаракат қилди. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Шу туфайли ҳам иқтисодий бўҳрон бу томондан фаолиятимизга кучли таъсир қилгани йўқ. таркиб топган алоқалар узилмай давом этмоқда. Билсангиз керак, яқинда «Пепси кола Интернейшнл» фирмаси билан яна бир неча йилга мўлжалланган шартнома тузилди. Фирма қатор ичимликлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё концентратларини етказиб беришни давом эттиради.

— Ҳозирги вақтда комбинатда яхна ичимликларнинг қайси турлари хорижда келтирилаётган хом ашё асосида тайёрланмоқда? Уларнинг ҳажми каттами?

— Саволингиз биз ишлаб чиқараётган яхна ичимликлар ҳақида бўлди.

Бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини, асосан, учтага бўлиш мумкин. Комбинатимизда пиво ҳам тайёрланади. Унинг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Маҳаллий хом ашё асосида «Мусаффо». «Тўйимли» номли хилларини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди. Бундан тащқари, Тошкент минерал суви ҳам шишаларга қуйилади. Бунинг учун корхонамиз ҳудудида махсус қудуқ қазилган. Бир минг тўрт юз етмиш метр чуқурликдан соатига етти куб метрдан ортиқ иссиқлиги 52 даражада бўлган сув тўхтовсиз чиқиб туради. У совутилиб, газ қўшилади ва шишаларга қуйилиб, истеъмолчиларга жўнатилади.

Ичимликларнинг тўрт хили узоқ хориждан келтириладиган хом ашё концентратларидан ишлаб чиқариляпти. Чет эллик ҳамкорларимиз шартнома мажбуриятларини деярли узлуксиз бажармоқдалар. «Пепси-кола» ва шунга ўхшаш яна учта ичимлик хорижлик шерикларимиз юборган хом ашё асосида тайёрланмоқда. Бу ичимликларнинг бир ажойиб хусусияти бор: икки ойлаб ҳам бузилмай тураверади. Маҳаллий хом ашё билан ишлаб чиқарилаётган ичимликлар фақат бир ҳафта туради. «Ўзбекозиқ-овқат» концернининг илмий-тадқиқот институти маҳаллий ичимликларнинг ҳам узоқ муддат айнамай туришини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш билан шуғулланса айни муддао бўларди. Бизнинг лабораториямиз кучи билан бу ишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди.

— Ўткир Усмонович, комбинатда бир қанча линия ишлаб турипти, улар орасида чет элдан келтирилганлари ҳам бўлса керак. Уларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда қийинчиликлар борми?

— Қатор поток линияларда шиша идишларга пиво, минерал сув, яхна ичимликлар қуйилмоқда. Уларнинг учтаси хориждан келтирилган. Биттасини Германиядан, иккитасини Болгариядан олганмиз. Ишлаб турган бошқа линиялар собиқ иттифоқчи республикаларда ишлаб чиқарилган. Чет элдан келтирилганларининг ишлаб чиқариш қуввати нисбатан ошиқроқ. Умуман ҳамма линиялар тўла ишласа бир кунда бир миллион уч юз мингта шишага яхна ичимликлар, пиво, минерал сув қуйиш мумкин.

Бу асбоб-ускуналарнинг доим ишга соз ҳолда туриши уларни вақтида таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан етарли таъминлашга боғлиқ. Бу мураккаб муаммо ҳам, қисман қийинчиликлар бўлишига қарамай, муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Эҳтиёт қисмларнинг анчагина қисмини механика цехимизда тайёрлаяпмиз. Лекин, бу ерда тайёрланиши мумкин бўлмаган айрим деталлар ҳам бор. Бунда қатор машинасозлик корхоналари ёрдам беришяпти. Шуни миннатдорчилик билан қайд қилиш керакки, уларнинг бирортаси ҳам илтимосимизни рад қилмаяпти, қўмакларини аяшмаяпти.

Корхонадаги асбоб-ускуналар, технология линиялари тўхтовсиз ишлаётган экан, бунда Ўзбекистон кимё машинасозлиги, агрегат, компрессор, граммпластинка заводлари, самолётсозлик ишлаб чиқариш, «Ўзпахтамаш» бирлашмалари жамоаларининг ҳам ҳиссалари бор.

Шиша идишлари, чунончи 0,3 литр ҳажмли шишалар таъминоти ҳам анча яхшиланди. Илгари бундай сиғимли идишлар бошқа республикалардан, Москвадан олинарди. Бу кейинги йилларда муайян даражада қийинчиликларни юзага келтирган эди. Балки қувасойликларга, улар бу ердаги заводда бундай шишалар ишлаб чиқаришни анча кенгайтирдилар.

Ҳозир республикамизнинг бундай маҳсулотга нисбатан эҳтиёжини қондириш анча яхшиланди. Шу туфайли бу муаммо бирмунча енгиллашди. Ярим литрли шишалар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Айни вақтда одамлар қўлидаги бундай шиша идишларни йиғиб олишни ҳам ҳеч қачон сусайтирмаслик лозим. Чунки, шиша муаммоси ҳали тўла ҳал бўлганича йўқ. Лекин спирт таъминоти ҳамон мураккаб бўлиб турипти. Биргина Тошкент вино заводи уни чиқармоқда, табиийки, бир ўзи талабни тўла қондираолмайди. Албатта, у ҳам бемалол бўлиб қоладиган кунлар келишига умидвормиз.

— Комбинат рентабелли корхона ҳисобланади. Ҳар йили кўплаб фойда олмоқда. Ўтган йили якунларни бўйича бу кўрсаткич қандай бўлди? Силжиш борми, бозор иқтисоднётига ўтиш даври машаққатларининг унга таъсири қанчалиқ сезиляпти?

— Бозор муносабатларига томон бориш даврининг қийинчиликларини ҳас-пўшлаб бўлмайди. Унинг ҳеч кимга, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган қонунлари ўз кучини кўрсатмоқда, албатта. Ҳа, таъсири сезилмаяпти, деб бўлмайди. Уни ҳар куни, ҳар соатда ҳис қилиб турибмиз. Янги шароитларга мослашишга мажбур бўлинмоқда, ресурсларни сарфлашни иложи борича қисқартириш йўлидан мустаҳкам бориш керак. Бизда бунга катта эътибор берилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари камайганлиги учун унинг таннархи муттасил камайиб борди. Бундан кўрилган наф нақд пул ҳисобида 304 миллион сўмни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлиги ҳам ошиб боришининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунда мавжуд асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, ишчи-хизматчиларимиз аксариятининг малакаси юқорилиги ва бошқа қатор имкониятлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Киши бошига ўтган йил давомида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг сал кам олти миллион сўм бўлиши режалаштирилган эди. Бу соҳадаги изланишлар ва ишга солинган омиллар туфайли у 18,4 фоиз ортиғи билан уддаланди. Олдинги йилдагига нисбатан ўсиш суръати 148,2 фоизга баравар бўлди. Бошқа кўрсаткичларда ҳам шундай ижобий ўзгаришлар юз берди. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб, олинаётган фойданинг кўпайишига олиб келмоқда.

— Пировардида анъанавий саволимизга жавоб берсангиз, у ҳам бўлса меҳнат жамоасини ижтимоий муҳофазаси ҳақидадир. Шу йўлда комбинатда қандай чоратадбирлар амалга оширилмоқда?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга эътиборни кескин кучайтириш ва бу муаммони ҳал тартибидан туширмаслик лозим. Комбинатимиз маъмурияти бу соҳада изчил иш олиб бормоқда, деб бемалол айтиш мумкин.

Даромадга қараб буромад, деганларидек олинаётган фойда кўпайгани сари жамоани ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағ миқдори ҳам муттасил ошиб боряпти. Иш ҳақи фуқаронинг асосий даромади ҳисобланади. Шунинг учун нарх-наво тўхтовсиз ошиб бораётган ҳозирги вақтда маошни ҳам кўтариб бориш керак. Албатта, бунда имкониятдан келиб чиқилади. Бизда эса бундай имконият кенгайиб бормоқда. Шу туфайли декабрь ойига келиб ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 113 минг 446 сўмга етди.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ишлар бундан буён ҳам давом этаверади. Зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажараётган меҳнатсевар жамоа ҳар қанча ғамхўрлик билан қуршаб олинса ҳам камлик қилади.

Суҳбатдош
М. МИРҲАМИДОВ.

ЛОҚАЙДЛИК, МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

ОҲАНГАРОН РАЙОНИДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА АҲОЛИ МАДАНИЙ ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА

БОЗОР иқтисодиёти турмушимизга чуқур сингиб боряпти. Унинг заптига чидаш бериш осон бўлмаяпти. Лекин шундай оғир шароитда ҳам тадбиркор, узоқни кўра билган тажрибали, билимдон одамлар бармоқ тишлаб қолишаётгани йўқ. Давр талаби ва тақозосига пешвоз чиқиб, иш кўришяпти, далил ва ишонч билан олға боришаяпти. Афсуски, ҳамма ҳам, ҳамма ерда ҳам шундай эмас. Истиқлол, бугун барча тан олаётган ўзига хос инқилоб шунчалар оғир кўчишини, ҳар бир янгилик, ҳар бир ўзгариш не-не қийинчиликлар ҳамда машаққатлар эвазига қўлга кириши кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз. Сирасини айтганда, лоқайдлик, беғамлик касалидан бутқул фориғ бўлмаган одамлар, айниқса, раҳбарлар билан бугун узоққа бориб бўлмайди.

Ҳақ гап. Бугунги кун талаблари бениҳоя залворли. Истиқлол шарофати билан қишлоқларимизда бошланган туб иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ана шундай улуғвор вазифалардир. Ҳўш, бу вазифаларни ким қандай тушуняпти, унга ким қандай амалий иш билан жавоб беряпти? Биз бугунги кун, ҳозирги долғали давр тақозо этаётган ана шу ҳаётий талабларни рўёбга чиқаришга тайёрмизми ўзи ёки йўқми?

Бошимизга қўнган бахт қуши — нурли истиқлолимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ғояси йўғрилган бу кунинг, ҳозирги долгали тарихий даврнинг талаби, олий мақсади — халқ турмуш фаровонлиги, ҳар бир инсон ҳақида ғамхўрликдир. Ҳўш, жамият олдидаги бу олий инсоний бурч, республикамиз Президентининг бу борадаги фармонлари Оҳангарон районидаги Алишер Навоий номли ширкат жамоа хўжалигида қандай амалга оширилаяпти?

Даромадга яраша — буромад, деган халқ нақлини жуда кўп ишлатамиз. Бу нақл бугунги кунда қанчалик тўғри ёки нотўғри эканини аниқ айтиш қийин. Сабаби ғарозининг «буромад» палласига ҳозирги кунда қатъий инонч йўқ. Бугунги бозор шарт-шароити, тинимсиз ўзгариб турган беқарор нарх-наво посангиси қишлоқ деҳқонга нафо қилмоқчи эмасга ўхшайди. Назаримда, ширкат хўжалигининг ўтган молия йили кирим-чиқимлари бунга яққол мисол бўлса ажабмас.

Бултур ширкат жамоа хўжалиги молия йилини қуйидаги кўрсаткичлар билан якунлади: ташкилотларнинг хўжаликдан қарзи 1994 йилнинг 1 январига келиб 186 миллион 431 минг сўмни, 2-сон картотекага кирган қарзлар эса 76 миллион 742 минг сўмни ташкил этди. Шу йилнинг 1 февралига келиб ташкилотлар 107 миллион 784 минг сўм миқдоридаги қарзини узди. Қолдиқ қарз ҳозирча 78 миллион 647 минг сўм. 2-картотекага кирган қарзлар ҳам шу йил февраль ойига келиб 39 миллион 426 минг сўмга камайди. Хўжаликнинг давлат банкидан қарзи 162 миллион 668 минг сўмдан 76 миллион 662 минг сўмга озайди. Бу ўз навбатида хўжаликнинг ўтган молия йили якунларини чиқариш, кўрилган соф даромадни хомчўт қилиш имконини беради. Аниқ ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, хўжаликнинг бултур чорвачиликдан олган даромади — 225 миллион 690 минг сўмни, деҳқончиликдан келган даромад 230 миллион 985 минг сўмни ташкил этган. Жами соф фойда — 65 миллион 123 минг сўм!

Ширкат жамоа хўжалиги майдонлари қир-адирликлардан иборат лалмикор ерлар. Сувнинг бу ерда қанчалар қадрланиши ўз-ўзидан маълум. Оби-ҳаёт бўлмаса, бу жойларда экин-тикин ўстириш амри-маҳол, катта хирмон кўтариш ва қут-барака ҳақида оғиз очиш хом-хаёлдан бошқа нарса эмас. Бу ҳудудда сув чиндан ҳам жуда тақчил. Паркент орқали ўтган Ҳамдам ариғининг суви бу ерларгача етиб келмайди, канал ўзани ҳамма вақт қуриб ётади.

Ҳўш, бу ҳақда ким қайғуради? Умуман, хўжаликда бош мироб деган зот борми ўзи, йўқми?!

Агар хўжалик оқар сувдан тўла баҳраманд бўлганда эди, бу жойлар жаннатмакон бир бўстонга айланган бўлур эди. Лекин аҳвол бунинг акси. Неча ўн минг аҳоли, районда энг йирик ҳисобланган бу катта хўжалик хонадонлари қудуқ суви билан кун кечиради, ер ости сувлари билан экин суғоради, боғ кўкартиради. Бунинг машаққати ҳақида, чиқими хусусида гапириш умуман ортиқча. Чунки, бир метр қувурнинг нархи осмонда, насослар ҳақида оғиз очиб, оғзингиз қуяди. Мутахассислар эса аниқонинг уруғи. На бирон тайинли таъминотчи, на бирон устахона бор бу атрофда.

Ширкат хўжалигининг ишлаб чиқаришдан олган соф фойдаси ҳақидаги сўнгги маълумотни ўзимизча таҳлил этиб, ҳайрон қоламиз. Жуда оз-ку, деган фикр келади хаёлимизга. Чиндан ҳам забардаст, сертармоқ бир хўжаликка 65 миллион сўм фойда ҳатто урвоқ ҳам бўлмайди-да. Шу арзимас маблағ эвазига ахир қайси бир муаммони ечиш мумкин? Қишлоқларга газ, ичимлик сув келтириш масаласинами? У қанча қувур ёки нечта насос сотиб олишга етади ўзи? Бизнингча, бу ерда иқтисод-бухгалтерия ҳисоб-китобларида қандайдир жиддий англашилмовчиликлар ҳам борга ўхшайди.

Умуман олганда аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий аҳволи, авваламбор, хўжалик даромадига боғлиқ. Шундай экан, даромаднинг қут-баракаси бўлмагач, қайси долзарб муаммони ҳал этиш ҳақида гап бўлиши мумкин?! Ғирт ёлғон гап, қуруқ сафсатабозликдан бошқа нарса эмас. «Ундоқ бўлади, бундоқ бўлади» деб «катта» кетишлар, кўкнори ҳаёллар афандининг тушида бўлади, холос.

Аслида эса, муаммолар иншоотининг насоси ишдан чиққан. Насосларни таъмирловчи ва уларга қараб турувчи мутахассис йўқ. Энг ноҳуш томони сув бўлмаган жойлар аҳолисига ичимлик суви ташиб келтирилмаётир. Мавжуд барча қудуқлар санитария талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли аҳоли кўпинча очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бу эса, одамлар ўртасида ҳавфли юқумли ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келмоқда. Ўтган йили хўжалик ҳудудида 45 та шундай оғир хасталик қайд қилинди.

Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида 5 та умумий таълим мактаблари жойлашган. Уларда жами 1197 бола ўқийди. Мавжуд мактаблардан фақат биттаси — «Эйвалек» шаҳарчасидаги мактабгина санитария талабларига жавоб беради, холос.

Бултур мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари педагогик жамоаларнинг ўз зиммасида қолиб кетди. Хўжалик раҳбарияти ва қишлоқ кенгаши бир чеккада томошабин бўлиб қолаверди. Мактабларни ота-оналар ёрдамида педагогик жамоаларнинг ўзлари не-не машаққатлар билан таъмирлаб олдилар. 6, 7, 8 ва 49-мактабларнинг бинолари меёрий стандартларга мутлақо жавоб бермайди. Йўлаклар, айниқса, синфхоналарнинг ёритилиш даражаси жуда паст.

Мактаб — келгуси бахтиёр авлод таълим-тарбия топадиган, ҳаётга янги-янги истеъдодлар ва чинакам ватанпарварларни етказиб берадиган энг муқаддас ва қутлуғ маскандир. Лекин, минг афсус, ширкат хўжалигида буни бошқача тушунишар, ўзгача талқин қилишар экан.

Буюк бобомиз номи билан аталмиш мазкур хўжалик ҳудудида тўртта мактабгача муассаса бор. Бугунги кунда боғчаларга муҳтожлар кўп бўлишига қарамай ҳаммасининг эшигига қулф осилган. Сабаби, фойда келтирмаётган эмиш?!

Санитария-тозалиқ — ишлари қониқарсиз аҳволда. Мавжуд биттагина ҳаммом ҳам авария ҳолатида. Савдо, умумий овқатланиш, чорвачилик фермалари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам аҳвол мушкул! Уларда шахсий гигиена қоидаларга амал қилишлик учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ, ходимлар махсус жомакорлар билан таъминланмаган, зарур миқдордаги дезинфекцияловчи моддаларни жамғариб қўйиш ҳеч кимни ташвишга солмаяпти.

Ободончилик, ораста лик ишлари ниҳоятда ўлда-жўлда. Кўчалар ёқаси, ҳовли саҳнлари ва жамоа жойларида уюм-уюм ахлатларга кўзингиз тушиб, таъбингиз моман ўзгача? Нега? Нима, ширкат хўжалиги аҳолисининг тўқ яшаб, тўкис турмуш кечиришга ҳақ-ҳуқуқи йўқми?!

Асло ундай эмас. Ҳамма гап раҳбарларда, уларнинг хоҳиш-иродаси, қатъияти ва уддабурролигида, кўпчиликнинг бошини қанчалик қовуштира олиши ҳамда уларнинг куч-ғайратини ҳайрли ишларга қанчалик маҳорат билан жалб эта олишларида қолган. Буни эса, биз бу ерда кўрмадик ва сезмадик ҳам.

Хўжаликнинг фақат «Эйвалек» шаҳарчасида яшовчи аҳолисигина канализация билан таъминланган. Қолган қишлоқлардаги аҳвол эса, ибтидоий даврларни эсга солади. Районда коммунал хўжалик хизмати йўқлиги туфайли хўжалик ҳудудидаги бошқа халқ хўжалиги объектларида тўпланиб қолган чиқинди ва ахлатларни ташиб олиб кетиш катта муаммо. Бунинг устига жойларда махсус ва доимий назорат қилиб туриладиган ахлатхона ёки чиқиндихоналар йўқ. Оқибатда суюқ ва қаттиқ ҳолдаги чиқиндилар дуч келган жойга ташлаб юборилаверади. Ана сизга хира тортади. Наҳотки, қишлоқлар қиёфаси шунчалар ачинарли аҳволга тушиб қолган бўлса, деб ич-ичингдан ачинасан киши. Беихтиёр кўз ўнгингдан шаҳар ҳусни, жилва қилган замонавий қишлоқлар, кўчалари асфальтланган, озода, обод ва кўркам аҳоли турар-жойлари, гавжум қишлоқ гузарлари, башанг қийинган хушчақчақ, мамнун ва маъмур одамлар бирма-бир ўтади. Ҳўш, нима учун бу ерда тараққиёт, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда қийинчиликлар борми?

— Қатор поток линияларда шиша идишларга пиво, минерал сув, яхна ичимликлар қуйилмоқда. Уларнинг учтаси хориждан келтирилган. Биттасини Германиядан, иккитасини Болгариядан олганмиз. Ишлаб турган бошқа линиялар собиқ иттифоқчи республикаларда ишлаб чиқарилган. Чет элдан келтирилганларининг ишлаб чиқариш қуввати нисбатан ошиқроқ. Умуман ҳамма линиялар тўла ишласа бир кунда бир миллион уч юз мингта шишага яхна ичимликлар, пиво, минерал сув қуйиш мумкин.

Бу асбоб-ускуналарнинг доим ишга соз ҳолда туриши уларни вақтида таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан етарли таъминлашга боғлиқ. Бу мураккаб муаммо ҳам, қисман қийинчиликлар бўлишига қарамай, муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Эҳтиёт қисмларнинг анчагина қисмини механика цехимизда тайёрлаяпмиз. Лекин, бу ерда тайёрланиши мумкин бўлмаган айрим деталлар ҳам бор. Бунда қатор машинасозлик корхоналари ёрдам беришяпти. Шуни миннатдорчилик билан қайд қилиш керакки, уларнинг бирортаси ҳам илтимосимизни рад қилмаяпти, қўмакларини аяшмаяпти.

Корхонадаги асбоб-ускуналар, технология линиялари тўхтовсиз ишлаётган экан, бунда Ўзбекистон кимё машинасозлиги, агрегат, компрессор, граммпластинка заводлари, самолётсозлик ишлаб чиқариш, «Ўзпахтамаш» бирлашмалари жамоаларининг ҳам ҳиссалари бор.

Шиша идишлари, чунончи 0,3 литр ҳажмли шишалар таъминоти ҳам анча яхшиланди. Илгари бундай сиғимли идишлар бошқа республикалардан, Москвадан олинарди. Бу кейинги йилларда муайян даражада қийинчиликларни юзага келтирган эди. Балки қувасойликларга, улар бу ердаги заводда бундай шишалар ишлаб чиқаришни анча кенгайтирдилар.

Ҳозир республикамизнинг бундай маҳсулотга нисбатан эҳтиёжини қондириш анча яхшиланди. Шу туфайли бу муаммо бирмунча енгиллашди. Ярим литрли шишалар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Айни вақтда одамлар қўлидаги бундай шиша идишларни йиғиб олишни ҳам ҳеч қачон сусайтирмаслик лозим. Чунки, шиша муаммоси ҳали тўла ҳал бўлганича йўқ. Лекин спирт таъминоти ҳамон мураккаб бўлиб турипти. Биргина Тошкент вино заводи уни чиқармоқда, табиийки, бир ўзи талабни тўла қондираолмайди. Албатта, у ҳам бемалол бўлиб қоладиган кунлар келишига умидвормиз.

— Комбинат рентабелли корхона ҳисобланади. Ҳар йили кўплаб фойда олмоқда. Ўтган йили якунлари бўйича бу кўрсаткич қандай бўлди? Силжиш борми, бозор иқтисоднётига ўтиш даври машаққатларининг унга таъсири қанчалиқ сезиляпти?

— Бозор муносабатларига томон бориш даврининг қийинчиликларини ҳас-пўшлаб бўлмайди. Унинг ҳеч кимга, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган қонунлари ўз кучини кўрсатмоқда, албатта. Ҳа, таъсири сезилмаяпти, деб бўлмайди. Уни ҳар куни, ҳар соатда ҳис қилиб турибмиз. Янги шароитларга мослашишга мажбур бўлинмоқда, ресурсларни сарфлашни иложи борича қисқартириш йўлидан мустаҳкам бориш керак. Бизда бунга катта эътибор берилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари камайганлиги учун унинг таннархи муттасил камайиб борди. Бундан кўрилган наф нақд пул ҳисобида 304 миллион сўмни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлиги ҳам ошиб боришининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунда мавжуд асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, ишчи-хизматчиларимиз аксариятининг малакаси юқорилиги ва бошқа қатор имкониятлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Киши бошига ўтган йил давомида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг сал кам олти миллион сўм бўлиши режалаштирилган эди. Бу соҳадаги изланишлар ва ишга солинган омиллар туфайли у 18,4 фоиз ортиғи билан уддаланди. Олдинги йилдагига нисбатан ўсиш суръати 148,2 фоизга баравар бўлди. Бошқа кўрсаткичларда ҳам шундай ижобий ўзгаришлар юз берди. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб, олинаётган фойданинг кўпайишига олиб келмоқда.

**— Пировардида анъанавий саволимизга жавоб берсангиз, у ҳам бўлса меҳнат жамоасини ижтимоий муҳофазаси ҳақидадир. Шу йўлда комбинатда қандай чоратадбирлар

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ: ЎТГАН ЙИЛИ ПАХТАЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ХАТОЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛДИ

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ

СУҲБАТДОШИМИЗ ҳақида қисқа маълумот: Абдуғаффор ИСРОИЛОВ. 1944 йилда туғилган. Янгийўллиқ таниқли қишлоқ хўжалиги ташкилотчиларидан бири, ҳалол ва фидокорона меҳнати билан эл-юртга танилиб, ўзига яраша обрў-эътибор орттирган, машҳур марҳум ранс Абдужаббор Исроиловнинг фарзанди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш мутахассислари олийгоҳини тугаллаган. Шундан сўнг Ўрта Осиё машина синаш станциясида ишлай бошлаган. Бу ерда у оддий мутахассисликдан директор муовинлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Отасининг кеча-кундуз тиним билмай қилган меҳнатлари ва тортган «азоб»ларининг гувоҳи бўлган эмасми, асло раҳбарликни ҳавас қилмаган. Хўжалик бошқаруви раиси бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Лекин, барибир одам аслига тортаркан-да. 1992 йил февралида ҳамқишлоқлари уни «Қовунчи» (собиқ Калинин номли) жамоа хўжалигига раис қилиб сайлашди. Ёш мутахассис одамлар қалбига йўл топиш билан бирга, энг аввало, уларнинг оғирини енгил қилиш учун техникага суяниб, ишлашга жазм этди. Ўша йили хўжаликда пахта режаси муваффақиятли бажарилди. Ҳар гектар ердан 28,2 центнердан ҳосил олинди. Лекин, ўтган йили «омад кулиб боқмади». Шароит анча оғир келди. Бу хўжалик ҳам режани бажаролмади...

— Абдуғаффор Исроилович, ўзингизга маълум, ўтган йили вилоятда бармоқ билан санарли хўжаликларгина пахта режасини бажарди. Жилғалар қўшилмади, дарё ҳосил бўлмади. Сизнингча, нега шундай аҳвол юз берди. Ўз хўжалигингиз мисолида шу саволга баҳоли қудрат биргалашиб, одилона жавоб изласак.

— Бу саволга осонгина қилиб, ҳаммага маълум ва машҳур қайта-қайта таъкидланадиган: баҳор инжиқ келди, ёғингарчилик кўп бўлди, дўл, сел қийнади, экиш кечикди, ғўза кечки бўлиб қолди, бунинг устига куз ҳам ёмон келди, қиш барвақт бошланиб қолди, деган гаплар билан жавоб беришимиз ҳам мумкин. Лекин, адолат юзасидан айтадиган бўлсак, деҳқонларимиз ёмон меҳнат қилишмади. Астойдил ишлашди. 535 гектар майдонда пахта етиштирдик. Режа бўйича 1,5 минг тонна пахта топширишимиз керак эди. Ана шу ҳосил далада бор эди. Ҳосилдорлик 28 центнерга етиши керак эди. Лекин, биз 1220 тонна пахта топширдик, холос. 80 фоизга етганимизда қор-ёмғир ёғиб, «кўз очирмади». Афсус, анчагина пахтамиз далада қолиб кетди...

Энди савол туғилади: ахир биз кўзнинг ёмон келишини билар эдик-ку. Ана шунга қараб иш юритиб, пахталарни эртаги қилиб етиштириш чора-тадбирини кўрсак бўлмасмиди? Бўларди, албатта. Бир томони ўзимиздан ҳам айб ўтди. Тошкент вилоят кенгашининг XIV сессиясида Президентимиз пахтачиликдаги аҳволни таҳлил этиб, «шу тўртта-бешта кўсакни пишираман, деб сентябрь ойида ҳам ғўзага сув қўйиш инсофданми», деб ўринли танқид қилдилар. Бу гап бизнинг ҳам бадан-баданимиздан ўтиб кетди. Чунки, биз-да ҳам то 10 сентябргача ғўзага сув қўйилган эди. Аслида биз сувни бир ҳафта—ўн кун олдин яъни 25—26 августларда тўхтатишимиз керак эди. Бунинг устига ғўза баргини тўкишга ҳам кечроқ яъни 18 сентябрда киришдик. Бу ишни беш-олти кун илгари бошлашимиз мумкин эди. Ана шундай қилсак, далалар машина теримига барвақтроқ тайёр бўларди. Чунки, сув вақтли тўхтатилгач, ғўза баргини тўқиш учун дори пуркалгач, биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, сунъий равишда ғўзанинг ривожини тўхтатган бўлардик. Кечки бўлиб қоладиган кўчатлар нобуд бўларди-ю, лекин дастлаб амал олган ва етилиб қолган кўсакларнинг очилиши тезлашарди. Ана шунинг ҳисобига ҳосилни барвақтроқ йиғиштириб олиш учун шароит яратиларди. Буни биз тажрибада синаб кўрганмиз. Машина синаш станциясида масъул лавозимда ишлаганимда ҳар йили 5 сентябрдан бошлаб ғўза баргини тўкишга киришардик. 15 кун деганда далалар машина теримига тайёр бўларди. Узоғи билан 20 сентябрда машинани ишга солардик. Ҳар гектаридан 27—28 центнердан ҳосил олардик. Лекин, очиғини айтиш керак, бизнинг машина синаш станциямизда табиийки, ҳамма ишлар мутлақ илмий асосда олиб борилардида. Ҳар хил техника бисёр ва доимо ишга шай ҳолда турарди. Катта бир хўжалик миқёсида бундай иш олиб бориш қийин, албатта. Лекин, одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Бор имкониятдан, бор техникадан қунт ва ихлос билан фойдаланиб, иш йўлга қўйилса, уддасидан чиқса бўлади. Бунинг учун ҳар бир дала меҳнаткаши, ҳар бир деҳқон ва пахтакор фидойи бўлиши, ҳар биримиз эрта баҳордан бошлаб, бош мақсад — ҳосилни асосан машиналарда териб олишга мослаштириб иш олиб боришимиз керак. Тўғри, машина синаш станциясидаги техникалар ва бошқа шарт-шароитлар бизда йўқ, деб юқорида айтдим. Лекин, ҳаракат қилсак бўларди. Нега шундай ҳаракат қилолмадик? Нега эртаги ҳосил етиштира олмадик? Нега сентябрь ойигача сув қўйдик?!

Бундай ҳақли савол бериш ва унга жавоб бериш ўта нозик масаладир. Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим, дейдилар. Ҳаммамиз гувоҳмиз. Ҳақиқатан ҳам табиат анча нотантилик қилди. Чигит экиш мўлжалдагидан кечикиб кетди. Ниҳоллар кўзга ташланиб қолувди. Дард устига-чипқон, деганларидек, ўзи кечки бўлиб қолган ғўзаларни яна дўл, сел уриб кетди. 250 гектар ерга қайтадан чигит экишга мажбур бўлдик.

Бу бор гап. Бу ҳақиқат. Катта машаққат ва меҳнат эвазига кўчатларни бутлаб олдик. Ҳар гектарида 80 минг туп кўчат сақлаб қолинди. Ана шундан кейин биз бу кўчатларни то ҳосил пишиб етилгунча сақлаб қолиш, режани бажариш имкониятини берадиган пахта етиштиришни ўйладик. Бу табиий ҳол эди. Чунки, биз яхши биламизки, режани бажарсакгина ўзимизга тегишли 20 фоиз пахтани оламиз. Ана шу 20 фоиздан олинадиган фойда бизнинг иқтисодимизни мустаҳкамлашда, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай бўлгач, шу 20 фоизга эга бўламан, деб ҳаракат қилдик-да. Ҳосил мўл бўлди. Лекин, кечки эди. Биринчи-иккинчи навлардан олинадиган фойдани совуриб кетадиган тўртинчи навга ўтадиган пахтани ҳам теришга мажбур бўлинди. Лекин, тўртинчи нав пахтанинг харид нархи анча арзон. 30 минг сўм атрофида. Уни териб олишга кетадиган сарф-харажатлар ҳисобланадиган бўлса, 80—100 мингга тушади.

Булардан хулоса чиқариб, шуни айтмоқчиманки, ҳар йили, ҳар қандай шароитда ҳам деҳқон фидойилик билан ишлайди. Ўтган йили ҳам қаҳрамонона меҳнат қилдик. Лекин, барибир режа бажарилмади. Хўш, инсоф билан айтадиган бўлсак, бунинг учун деҳқонни айблаб бўладими? Унга қолса, сира ҳам юзи шувут бўлишини истамайди-ку. Шундай экан, нега бу ҳолатни ҳисобга олмаслик керак. Нега деҳқон амалда териб олинган ҳосилдан келадиган пироманд даромаддан баҳраманд бўлмаслиги керак. Бошқаларни билмадиму, менинг шахсий фикрим шундай. Шароит оғир келиб, деҳқон ҳар қанча ҳаракат қилмасин, режа бажарилмай қолдими, буни ҳар жиҳатдан ўйлаб тарозига солиб кўриш керак. Моддий таъминотда ва тақсимотда деҳқонни ўкситмаслик, камситмаслик, адолат юзасидан иш кўриш зарур.

— Тушунарли. Мулоҳаза, эътирозларингизда жон бор. Мутасаддилар, албатта, буни ҳисобга олишлари керак. Энди истиқболдаги ишлардан гаплашайлик. Маълумки, пахта бундан кейин ҳам вилоятимиз қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ бўлиб қолиши табиий. Унинг қадр-қиммати йил сайин ортиб бораверади. Шундай экан, биз бундан буён ҳам қандай бўлмасин, пахтадан мўл, сифатли, эртаги ҳосил олиш йўлларини излашимиз керак. Бу осон эмас, албатта. Гап шундаки, кейинги йилларда иқлим шароити бутундай ўзгариб кетди. Баҳор чўзилиб, ёғингарчилик кўп бўляпти. Куз яхши келса керак, деган гапларга ҳам ишониб бўлмай қолди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Буни биз деҳқонлар унутмаслигимиз керак. Бир вақтлари вилоятимиз ўзининг пахта етиштиришдаги илғор усули «Тошкент технологияси» билан донг таратган эди. Хўш, ана шу технология нега унутиб юборилди? Ёки унинг сохта жиҳатлари бормиди?! Ундай деб айтолмаймиз. Ҳаққига кўчадиган бўлсак, бу технологиянинг яхши жиҳатлари, ижобий томонлари жуда кўп эди. Унинг асосий моҳияти ерни экишга тайёрлаш, уруғни саралаб, чигитни барвақт экиб, бир текис ундириб олиш, бу ишларни, бу жараёнларни бажаришда асосий оғирликни техника гарданига юклаш, эртаги ҳосил етиштириб, бу ҳосилни асосан техникалар ёрдамида териб олишдан иборат эди. Ҳисоб-китоб ишлари шунга мослаб, шунга қараб олиб бориларди. Кеч кўз ва эрта баҳордан ҳар биримиз машина теримини ўйлаб ва кўзлаб иш қилардик. Ўзимизни бу мақсадга чоғлаб борардик. Бу деганим барча дала ишлари ва агротехника тадбирлари ҳосилни октябрь ойидаёқ тўла-тўкис йиғиштириб олинишига мўлжаллаб ташкил этиларди. Албатта, юқорида айтганимдек, иқлим шароити ўзгариб кетган ҳозирги пайтда бу мақсадга эришиш осон эмас. Чунки, йилдан-йилга техникаларимизнинг путури кетиб боряпти. Ҳозир хўжалигимизда 70 та трактор бор. Битта тракторнинг хизмат муддати етти йил қилиб белгиланган. Ўртача ҳар йили 7 тадан трактор сотиб оладиган бўлсак, бу тракторлар ўн йилдан кейин янгиланади. Бундай имконият умуман бизда йўқ. Чунки иқтисодимиз анча ночор бўлиб қолган. Кейинги уч йилда бор-йўғи аранг 2 та трактор сотиб олдик.

Пахтакор меҳнатининг қадрини янада ошириш керак.

— Энди кўкламга тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида гапириб берсангиз?

— Очиғини айтиш керак. Қолган пахтага қор ёққандан кейин ишимиз анча қийин бўлди. Айрим ерларда ғўзапоя юлиб олинди. Иложини қилолмаган жойларда эса, қўшиб ҳайдадик. Шу ўринда ғўзани машинада чеканка қилганлигимиз фойда берди. Ғўза бир текис бўлиб ўсган эди. Ҳайдаш вақтида поялар ер тагида қолиб кетди. Шундай қилиб, ерларни деярли ҳайдаб қўйдик. Экиш техникаси ҳам шай ҳолда турипти. Қисқаси, умидимиз катта. Ўтган йили йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқариб, янги йилда иложи борича эртаги ҳосил етиштириш, пахтани барвақт териб олиш, режани бажарибгина қолмай ўтган йилги қарзни ҳам узиш учун ҳаракат қиламиз...

СУҲБАТНИ ВИЛОЯТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ УЮШМАСИ ПАХТАЧИЛИК БЎЛИМИНИНГ БОШ МУТАХАССИСИ АҲМАДЖОН ҚОДИРОВ ШАРҲЛАЙДИ:

Раис умуман олганда тўғри фикр ва мулоҳазалар юритяпти. Ҳақиқатан ҳам ҳаммамиз яхши биламизки, вилоятимиз учун ўтган йили оғир келди. Агарда вилоятда 126 минг гектар майдонда пахта етиштирилган бўлса, шундан 50 минг гектарга яқин ердаги пахта бузиб экилди. Экиш жараёни 25 майгача давом этди. Албатта, бу майдон кичкина майдон эмас. Деҳқон умид билан ана шу кечки пахталарни ҳам парвариш қилиб, ундан мўлжалдаги ҳосилни олиш учун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилди.

Шуни айтиш керакки, пахта ўсиш ва ривожланиш даврида зарур иссиқликни олмагунча пишмаслиги ҳаммага маълум. Ана шу йўсинда омилкорлик билан, ҳар бир тадбирни саросимага тушмай, ўз вақтида амалга оширган, агротехника тадбир-чораларини ғўзанинг аҳволига қараб ўтказган деҳқонлар шундай оғир йилда ҳам кўзланган натижага эришаолдилар.

Афсуски, 118 та пахтачилик хўжалигидан 19 таси, 1600 бригададан 245 таси режасини уддалади, холос. Олинган ҳосил асосан бузилмаган пайкаллар ҳисобига тўғри келди.

Энди сентябрь ойида пахтани суғориш масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам тўғри. Кўп йиллик тажрибага асосан сентябрь ойида пахта камдан-кам суғорилади. Қачонки, сентябрь ниҳоятда иссиқ келса, кўсак етилмай қолган пайкаллар бўлса, ана шунда енгил, эгат ташлаб, деҳқонлар таъбири билан айтганда, «ялатиб» суғориш керак бўлади. Лекин, ўтган йилги об-ҳаво шароитида шу кечки пайкаллардан ҳам ҳосил умид қилиниб, нотўғри суғориш оқибатида кўсаклар пишмай қолди.

Шуннинг учун ҳам пахтачиликда ҳар доим кўкламда ерни барвақт экишга тайёрлаш, чигитни апреллнинг энг қулай муддатларида экиш, уни ернинг табиий намига ундириб олиш, ягана ва кейинги қатор ораларига ишлов бериш, минерал ўғитлар билан барвақт озиқлантириш, қатор ораларини юмшатиш ишларини ўз вақтида ўтказиб, эртаги ҳосил етказиш тадбир-чораларини талаб даражасида амалга ошириш тақозо этилади.

Деҳқоннинг омилкорлиги шундаки, у ўз ерининг тупроқ, иқлим шароитини, экаётган навининг хусуситларини яхши билиб иш тутиши, ҳар қандай вазиятда пахтадан эртанги ва юқори ҳосил олиш йўлларини билиши керак.

Тошкент технологияси бу — ҳақиқий деҳқончиликда энг яхши услубларни мужассамлаштирган — механизациядан оқилона фойдаланиб, қўл меҳнатини енгиллаштириш, техникага асосланган ҳолда иш тутишни, юқори ҳосил тўплаб, уни қисқа муддатда йиғиб-териб олишни ташкил қилишдир. Маълумки, Тошкент пахтакорлари пахтани етиштиришда ва уни териб олишда йиллар давомида республикамизда етакчи ўринни эгаллаб келдилар. Ҳосилнинг 80—85 фоизи, айрим туманларда эса 90—95 фоизини машина ёрдамида териб олардилар. Лекин кейинги йилларда бу услубни тушунмаган, деҳқончиликдан узоқ фикрли баъзи «донишмандлар» бу технологияни бошқа маънода шарҳладилар. Лекин, бу технологияни тиклаш вақти келди ва тикланади ҳам.

Маълумки, ўтган йил ёғингарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши натижасида қисман ҳосил ерда қолди ва шудгорлаш ҳам чўзилди. Лекин, ҳозирги кунга келиб, асосий майдонлар ҳайдаб қўйилган. Эндиги вазифа—ерларни экиш учун тайёрлаш ишларини ва бошқа агротехника тадбирларини вақтни бой бермай амалга ошириш, барча дала ишларни ўз вақтида ўтказиб, катта хирмонга ҳозирдан мустаҳкам замин яратишдан иборатдир.

Суҳбатдош
Н. РИХСИЕВ.

ФИТРАТ ИМЗО ЧЕККАН ҲУЖЖАТЛАР

Абдурауф Фитрат шоир, ёзувчи, маърифатчи, аллома бўлганини, миллий истиқлол йўлида курашганини биламиз. Аммо, у зот фаолиятининг ҳалигача номаълум қирралари ҳам йўқ эмас. Негаки, унинг ҳаёти ва фаолиятига тегишли ҳужжатлар шўролар замонида муттасил йўқ қилиб келинган.

Шунга қарамай, айрим ҳужжатлар ўша йиллардаги машъум назарлардан омон қолган экан. Республика маданият ишлари вазирлиги қошидаги маданият ёдгорликларини сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи, меъморчилик доктори П. Зоҳидов яқинда ана шундай бир ҳужжатга дуч келди. У «63-рақамли ҳужжатлар тўплами. Бухоро ёдгорликлари бўйича материаллар (М. Ф. Мауер тўплаган материаллардан)» деб номланган ҳужжатлар тахлами бўлиб, айрим саҳифаларида Фитратнинг номи ва имзоси бор.

Хўш, М. Мауер ким? У тўплаган ҳужжатларнинг Фитратга қандай алоқаси бор? ЎзА мухбири П. Зоҳидовдан ана шу хусусда гапириб беришни сўради.

— Мауер — Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг шимоли-шарқий минорасини тиклаш режасини ишлаб чиққан ва амалга оширган машҳур таъмирчи меъморидир. У тўплаган ҳужжатлардан бири «Осори атиқаларни асраш ва таъмирлаш бўйича Зарафшон вилояти қўмитасининг 1925 йил 23 декабрдаги мажлиси баёни» деб аталади. Мазкур ҳужжатга қўмита раиси сифатида Фитрат араб хатида имзо чеккан. Маълум бўладики, Фитрат ўша йилларда маданият обидаларини асраш ишида фаол қатнашган. Мажлис баёнлари қўмитада Бухоро амирининг мол-мулкини сақлаб қолиш, Бухородаги меъморий обидаларни асраб-авайлаш масаласи кўрилгани ҳақида ҳам маълумот беради.

Мажлис баёнлари, қарорлар сўнгида Фитрат имзоси билан Муса Саиджонов деган кишининг имзоси ёнма-ён келади. М. Саиджонов қўмитанинг илмий котиби бўлиб ишлаган. У ўзбек меъморий обидалари ҳақида, хусусан, Гўри Амир тўғрисида биринчи бўлиб китоб ёзган одам. Арабчани, форсчани, эски қўлёзмалар ва вақфномаларни жуда яхши билган. Кейинчалик у Республика осори атиқаларни асраш қўмитасининг раиси лавозимида ишлаган.

Мазкур ҳужжатлар юртимизда кўҳна обидаларнинг сақлаб қолинишида Фитратнинг ҳам хизмати катта эканидан далолат беради.

Муртазо ҚАРШИБОЙ.
(ЎзА).

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

МУШТАРИЙЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ҲУҚУҚШУНОС А. ҲАСАНОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

САВОЛ: менинг 11 яшар фарзандим бор. Хизмат юзасидан бошқа шаҳарларга сафарга чиқишимга тўғри келади. Баъзан ўзим розилик бермасам-да, маъмурият томонидан сафарга юбориламан. Гоҳида эса тунги сменаларга ишга жалб қилинаман. Маъмуриятнинг тутган йўли тўғрими?

Ф. АҲРОРОВА,
Тошкент тумани.

ЖАВОБ: илгари амалдаги қонунга кўра, икки ёшдан саккиз ёшгача боласи бўлган аёллар ўзларининг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиниши ёки сафарга юборилиши мумкин эмас эди.

Ҳозир бундай тартиб бироз ўзгартирилган, яъни аёлнинг уч ёшдан 14 ёшгача (ногирон бўлса 16 ёшгача) боласи бўлса, унинг розилигини олмай, иш вақтидан ташқари ишга жалб қилинмайди, сафарга юборилмайди. Маъмуриятнинг тутган йўли нотўғридир.

●

САВОЛ: менинг ўғлим яқинда 14 ёшга тўлади. У кечки мактабда ўқишни давом эттирмоқчи. Заводда ишлаш иштиёқи бор. Бундай ёшдаги болаларни ишга жалб қилишда қонунда бирор янгилик борми?

К. САЛИМОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: янги қонунга кўра, (ЎзМКК, 200-модда) умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ишлаб чиқаришга, меҳнатга тайёрлаш мақсадида улар 14 ёшга тўлганларидан кейин ишга қабул қилинишга йўл қўйилади. Бунда боланинг ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги бўлиши шарт.

Ўспиринга иш танланишида унинг саломатлигига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнига ҳалал бермайдиган бўлиши лозим.

●

САВОЛ: мен ногирон болани тарбиялаяпман. Ўзим заводда ишлайман. Айтингчи, бизга ўхшаш аёлларга қўшимча дам олиш кунлари бериладими?

С. ҚОСИМОВА,
Чирчиқ шаҳри.

ЖАВОБ: ҳа, берилади. 1993 йил 3 декабрдан эътиборан кучга кирган янги қонунга биноан, ногирон болани у 16 ёшга киргунига қадар тарбиялаётган аёлларга ойига қўшимча ҳақ тўланадиган (суғурта пулидан) бир дам олиш куни берилади.

Бундай имтиёзлардан ногирон боланинг васий ва ҳомийлари ҳам фойдаланадилар.

●

САВОЛ: Мен ҳомиладорлигим туфайли енгилроқ ишга кўчирилишим керак эди. Бироқ корхонамизда бундай ишнинг ўзи йўқ. Уйда ўтирган вақт учун ҳақ тўланмади. Шу тўғрими? Ҳомиладор аёлларга неча кун таътил берилади?

С. КАРИМОВА,
Бектемир тумани.

ЖАВОБ: саволингизнинг мазмунига қараганда, маъмурият тутган иш тўғри эмас. Тиббиёт хулосасига кўра, сиз енгилроқ ишга ўтишингиз шарт. Агар енгил иш бўлмаганлиги туфайли ишга чиқмаган бўлсангиз, у ҳолда бундай иш берилиши ҳал қилингунга қадар ишга чиқилмаган барча иш кунлари учун корхонанинг (ташкилот, муассаса) ўз маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланганн ҳолда ишдан озод этилишингиз керак.

Аёлларга кўзи ёришга қадар берилаётган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари 56 кундан 70 кунгача узайтирилган. Кўзи ёригандан кейин аёлга 56 кунлик таътил берилади. Борди-ю, туғиш оғир кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола бўлган ҳолларда 70 кунлик таътил берилади ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Бундай таътилларга йиллик таътили ҳам қўшиб берилади.

● *Шифокорлар маслаҳати*

ШОЛНИНГ БОШЛАНИШИ АСАБДАН

КЎПГИНА оилаларнинг дилларига хиралик солувчи дард — полиомиэлит ер юзининг ҳамма қитъаларида учрайди. Айниқса, 5—6 ёшгача бўлган болалар бу касалликка тез чалинадилар. Хасталик билан оғриш йилнинг иссиқ даврларига кўпроқ тўғри келади. Унинг хусусияти шундаки, у ҳаракатлантирувчи асаб ҳужайраларини жароҳатлаб, фалажликка олиб келади. Касалликнинг дастлабки кунларида вирус бемор ҳалқумида тезлик билан кўпаяди. Натижада, бемор йўталганда, аксирганда ва сўзлашганда атрофдаги ҳавога жуда майда туфук заррачалари сачратади ва соғлом кишиларга дардни юқтиради. Ультрафиолет нурларгина полиомиэлит вирусини тез ўлдиради. Вирус киши баданига тушган вақтдан бошлаб касалланиш аломатлари кўрингунга қадар уч кундан 35 кунгача вақт ўтиши мумкин.

Касаллик бошланишида унинг дастлабки аломатлари грипп ёки ошқозон-ичак фаолиятининг бузилишини эслатади. Бош оғрийди, бадан увишади, ҳарорат 38—40 даражагача кўтарилади. Иштаҳа йўқолади. Кўнгил айниши, қайд қилиш содир бўлиб, кейинчалик киши фикри чалкашадиган, уйқучан ёки кам ухлайдиган бўлиб қолади. Айниқса, оёқларда оғриқ кучайиб, бош эгилганда ёки бел букилганда у янада эўраяди. Шунинг учун бемор қимирламай ётишга мажбур бўлади. Мушакларнинг шалвираб бориши кузатилади. Касалликнинг бу даври одатда 3 кундан 10 кунгача давом этади. Кейин фалажланиш аломатлари кўрина бошлайди. Кўпинча бир ёки икки оёқ, кейинчалик қўл, бўйин, бел, қорин, кўкрак ва бадан мушаклари фалажланади. Фалажлик пайдо бўла бошлаган вақтда ҳарорат маромга тушади. Зарарланиш даражаси ҳар хил бўлади, баъзан мушаклар енгил заифланишдан тортиб то бутунлай фалажланишгача боради. Қорин мушаклари фалажланганда бемор ўзи мустақил ўрнидан тура олмайди ва ўтира олмайди. Баъзан пешоб тўхтаб қолиши мумкин. Кейинчалик бемор соғаяди ва зарарланган мушакларнинг фаолияти аста-секин қайта тикланади. Одатда зарарланган оёқ ёки қўл мускуллари ўсишда соғлом мушаклардан орқада қолади. Шунинг натижасида товон осилиб туриши, оёқ-қўл қийшайиб қолиши рўй беради. Камдан-кам ҳолларда, полиомиэлитнинг оғир шаклларида бўйин, умуртқа поғонаси, тил, томоқ, халқум мушаклари аста-секин фалажланиб қолиши мумкин.

Беморни касалхонага жойлаштиришдан илгари касалликнинг соғлом болаларга юқмаслик чораларини амалга ошириш зарур. Хастани алоҳида хонага ётқизиш керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, хонанинг бир қисмини чойшаб ёки парда билан ажратиб, беморни шу ерга жойлаштириш керак. Ёнига уни парвариш қилиб турган кишидан ташқари ҳеч кимни киритиш мумкин эмас. Унинг идиш-товоғи, қошиғи, сочиғи ва ҳоказолари алоҳида бўлиши лозим. Касал фойдаланган идиш-товоқ ва унинг шахсий буюмларини 20 минут мобайнида қайнатиш ва ундан кейин 30 минут 0,2 фоизли хлорли оҳак эритмасига ёки хлорамиинга солиб қўйиш тавсия этилади.

Касалнинг ички кийимларини ювишдан олдин 1 фоизли хлорамин эритмасида бир соат давомида ивитиб қўйиш талаб қилинади.

Полиомиэлит билан оммавий касалланишга йўл қўймаслик учун вакцина билан эмлашлар ўтказилади. Бунда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Болалар ва катталарнинг ифлос сувларда чўмилиши қатъиян ман қилинади. Сут ва сувни фақат қайнатилгандан кейингина истеъмол қилиш мумкин.

Ҳурматли ота-оналар, болаларни озодагарчиликка, саранжом-саришталикка ўргатишни ёдингизда тутишингизни илтимос қиламиз. Бу билан касалликнинг олдини олишга катта ҳисса қўшган бўласиз.

А. АБДУРАҲИМОВ,
Ш. БЕКМИРЗАЕВ,
шифокорлар.

● **Тадбиркорлик давр талаби сифатида ҳар бир соҳани қамраб олмоқда. Тўйтепа газлаштириш идораси ҳам ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда яқинда «Орзу» тижорат ишлаб чиқариш фирмасини очишга муассислик қилди. Натижада 16 қўшимча ишчи ўрни яратилди. Фирма болалар ва ўсмирлар кийим-кечаклари тайёрлашга ихтисослашган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга харидорлар юқори баҳо беришмоқда.**

СУРАТДА: фирма директори Шуҳрат Сулаймонов харидорга маҳсулот намунасини кўрсатмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШГАЧ...

БУНДАН икки-уч йил илгари Ангренда телефон хизмати кўнгилдагидек эмасди. Шу сабабли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан, хонадонлардан бу хизматнинг талабга жавоб бермаётганлигидан норози бўлинган шикоятлар кўп тушарди. Шуни ҳисобга олиб шаҳарда замонавий йирик автоматлашган телефон станцияси қурилиши бошлаб юборилганди. У 1992 йилда ишга туширилди. Унинг қуввати 19 мингта мижозга хизмат қилишга мўлжалланган.

Янги АТСнинг фойдаланишга топширилиши шаҳарда телефон хизматини кескин яхшилаш имконини берди. Ҳозир деярли барча корхона, ташкилот ва муассасалар, хонадонларнинг кўпчилигида телефон хизмати йўлга қўйилган. Тушган аризалар вақтида бажарилмоқда.

АТС ходимлари хизмат маданиятини ҳам тобора ошириб бормоқдалар. Ҳамма жойда телефон тармоқларининг ишлаши устидан доимий назорат ўрнатилди. Камчилик ва нуқсонлар тез ва вақтида бартараф этилмоқда. Шу туфайли белгиланган режалар ҳам тўла ва зиёдаси билан адо этиляпти. Буни АТС жамоасининг ўтган йилдаги иши якунлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Режага мувофиқ йил давомида 244 миллион 36 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатилиши керак эди. Режа ва имкониятларни ишга солиш, хизмат маданиятини ошириш, телефонларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш туфайли бу тушум ҳажми анча ортиқ бўлди. Умуман кўрилган даромад 285 миллион 64 минг сўмни ташкил этди. Бу билан режа 117 фоиз қилиб бажарилди.

Бу йил жамоа олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар иш ҳажмини янада кенгайтиришлари, хизмат кўрсатиш кўламини бир неча баравар оширишлари лозим. Лекин, шунга қарамай телефончилар бу йилги маррани ҳам муваффақиятли эгаллашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу сабабли январь ойи топшириғи муваффақиятли ...лик сув билан таъминловчи ...даланди. Юз миллион сўмлик атрофида алоқа хизмати кўрсатилди. Ўнлаб янги телефон нуқталари ўрнатилди.

Жамоа эришаётган ютуқларда тажрибали ва малакали ишчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. М. Қулбоев, Т. Усмонов, Н. Темирхонов, А. Абдураҳмонов, А. Анқорбоев ва бошқа ўнлаб ишчи-хизматчилар зиммаларидаги вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Кўп жиҳатдан уларнинг кучгайратлари туфайли жамоа меҳнат натижалари самарали ва салмоқли бўлмоқда.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

...шифокори Ҳуснидан Исро... ...ери барча туманларга шу... иштирок этди.

Ю. КАРИМОВА.

• Маънавий меросимизни ўрганамиз

ТАСАВВУФ ОСМОНИНИНГ СЎНМАС ҚУЁШИ

ТУРОН заминидаги туркийзабон ва форсийзабон мутасаввуфларнинг илк қалдирғочи, орифларнинг султони ҳисобланган бобокалонимиз Хўжа Аҳмад Яссавий XI асрнинг ўрталарида сайрамлик Иброҳим шайх оиласида таваллуд топганлар. Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг падари бузрукворлари — Иброҳим шайх, волидаи муҳтарамалари Қорасоч момо эрдилар. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг отаоналари пешона терини тўкиб, ҳалол меҳнат қилиш эвазига кун кечирар ва ўғиллари ёш Аҳмадни ҳам шу руҳда тарбиялар эрдилар. Улар зиёли, ўз замонасининг кўзга кўринган етук кишиларидан бўлиб, доимо халқнинг оғирини енгил қилувчи эзгу ишлар билан халқ орасида шуҳрат қозонганлар ва яхши от қолдирганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг қабрлари ҳамон зиёратгоҳ бўлиб қолмоқда.

Туркистон тоғларининг сарчашмаларидан сизиб чиққан булоқ сувларидан тўйиб-тўйиб ичган, шу заминнинг тоза ҳавосн-ю, унда етиштирилган ноз-неъматлардан баҳра олиб вояга етган Аҳмад ёшлигиданоқ зеҳнининг ўткирлиги, қобилиятининг ғайритабиийлиги, истеъдодининг буюклиги, ақл-заковати ва фаҳму-фаросатининг юқорилиги, катталарга ҳурматининг беҳадлиги, ёшларга меҳр-муҳаббатининг чексизлиги, илмга чанқоқлиги, ҳар бир ҳодисанинг зоҳирини эмас, балки ботинини тушунишга бўлган қуввайи жозибаси билан ўз тенгқурларидан ажралиб турар эдилар.

Қатор манбаларда ва ривоятларда келтирилишича, Хўжа Аҳмад Яссавийга ёшлигиданоқ Хизр алайҳиссаломнинг назари тушган. Ёш Аҳмаднинг кўз ўнгида турли хил тажаллиётлар зоҳир бўлган. Унинг ғайритабиий қобилиятидан воқиф бўлган Иброҳим ота ўғлининг тарбиясига катта эътибор берадилар. Лекин Аҳмад Яссавий етти ёшга тўлганда ўзининг падари бузрукворидан жудо бўлади. Қатор манбаларда келтирилишича айни шу вақтда, яъни Аҳмад Яссавий етти ёшга тўлганда илк бор ўзининг маънавий устози Арслонбоб билан мулоқот қилади. Мазкур мулоқот билан боғлиқ, Арслонбобнинг ҳурмони узоқ муддат ўз комида асраб, Яссавийга берганлиги тўғрисидаги қатор ривоятларни ёзма манбаларда ҳам, халқ орасида ҳам учратиш мумкин. Бу ҳақда Аҳмад Яссавий ҳикматларида қуйидагича ҳикоя қилинади:

Етти ёшда Арслон бобом излаб тобти,
Ҳар сир кўруб, парда бирла букуб ебти,
Биҳамдиллоҳ, кўрдум, деди, изни ўбти,
Ул сабабдин олтиниш учда кирдим ерга.

Лекин орадан кўп ўтмай, аниқроғи бир йилдан кейин, Арслонбоб вафот қиладилар.

Ўзга манбаларда кўрсатилишича, кейинчалик Аҳмад Яссавийнинг тарбияси билан унинг мадраса устози Шаҳобиддин (Баҳоуддин) Исфижобий шуғулланади. «Насабнома» ва кейинги топилган шажараларда кўрсатилишича, Аҳмад Яссавий 20 ёшга тўлганда Яссига рихлат қилиб, уни ўзига ватан тутинади. Дарҳақиқат Хўжа Аҳмад Яссавий ўзининг ҳикматларида «Ўн еттимда Туркистонда турдим мано» дейдилар. Хўжа Аҳмад Яссавий Туркистон заминида эгаллаш мумкин бўлган илмларни эгаллаб, сўнгра Бухоро томон отланадилар. Бухорода у ўзининг иккинчи маънавий устози Абу Юсуф Ҳамадоний билан учрашадилар. Бу ҳақда Хўжа Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида шундай ҳикоя қиладилар:

Мен йигирма етти ёшда пирни тобтим,
Ҳарна кўрдум, парда бирла сирни ёбтим,
Остонасин ёстонибон изин ўбтим,
Ул сабабдин Ҳаққа сиғиниб келдим мано.

Манбаларда кўрсатилишича, Аҳмад Яссавий 40 йил мобайнида Юсуф Ҳамадоний хизматида бўлиб, тасаввуф борасида камолга етади. Зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган Аҳмад Яссавий хирқани ўз устози Юсуф Ҳамадонийдан кияди. Юсуф Ҳамадоний вафотидан кейин, унинг фаолиятини ундан тарбия олган тўрт халифаси, Ҳасан Андоқий, Абдулло Бароқий, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувонийлар давом эттирадилар. Булар орасида энг нуфузлиси, истеъдоди кучли, нафаси ўткири ва мартабаси олийи Аҳмад Яссавий эди.

Халифалик хирқасини устози Юсуф Ҳамадонийдан кийган Аҳмад Яссавий ўз фаолиятини даставвал Бухородалигидаёқ бошлайди. Лекин илму маърифат, дин маркази бўлган Бухоройи шарифда асосан араб ва форс тиллари ҳукмрон бўлиб, турк тилининг таъсир доираси бутунлай чеклаб қўйилган эди. Бухорода ўз фаолиятининг ривож топишига кўзи етмаган Аҳмад Яссавий халифаликни Абдуҳолиқ Ғиждувонийга топшириб, ўз туғилган юрти Туркистон томон таважжуҳ қилади. У Туркистоннинг Ясси қасибасига келиб, шу ерда ўз таълимотига асос солади. Айни вақтда шу таълимотнинг келажакдаги давомини ўйлаб, ўзининг Мансур Ота, Саид Ота, Сўфи Муҳаммад Донишманд ва Ҳаким Ота каби халифаларини камолга етказади. Минг афсуски Яссавийя тариқати энди шаклланиб ривожлана бошлаган даврда, яъни 562 (1166—1167) йилда, унинг асосчиси Ҳазрати Туркистон дорул-фанодин дорул-бақога риҳлат қиладилар.

Гарчи Аҳмад Яссавий вафот қилган бўлсада, лекин у қолдирган таълимот асрлар оша унинг халифалари, шогирдлари, издошлари томонидан мазмун жиҳатидан бойитилиб, таъсир ҳудуди жиҳатидан кенгайиб боради. «Суфийские ордена в Исламе» («Исломдаги сўфийлик тариқатлари») номли китобда зикр қилинишича, Яссавий дарвешлари XVIII асрнинг охирида XIX асрнинг бошларида ҳатто Жазоир ҳудудида истиқомат қилганлар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Яссавийя таълимотига асосланган Яссавийя тариқати Мағрибдан Машриқ-қача, яъни ҳозирги Хитойдан то Испаниягача бўлган ҳудудда кенг тарқалган.

Хўш шундай экан Аҳмад Яссавийнинг тасаввуфи нима, деган саволнинг туғилиши табиий бир ҳолдир.

Аҳмад Яссавий тасаввуфи ҳам (тасаввуфни мўъжаз қилиб, Аллоҳ висолига етишишни ўргатувчи зоҳирий ва ботиний илмлар мажмуаси деб айтиш мумкин) бошқа тасаввуф таълимотлари сингари уч асосий қисмдан иборат: 1-қисм — **илоҳиёт**; 2-қисм — **фалсафа**; 3-қисм — **каромат**. Унинг илоҳиёт қисмида ўша даврда ҳукмрон бўлган ислом дини ва у билан боғлиқ амаллар ўз аксини топган, фалсафа қисмида эса Турон халқларининг ҳаётга, дунёга бўлган муносабатлари, қадриятлари ўз инъикосини топган, каромат қисмида эса ботиний ва зоҳирий илмларнинг ҳосиласи акс эттирилган. Булар Яссавий тасаввуфининг жўъий қисмлари бўлиб, уларнинг бари биргаликда яхлит Яссавий тасаввуфини ташкил қилади. Яссавий таълимоти айни вақтда қўшни халқлар — форс, ҳинд адабиёти намуналари билан бойитилган.

Ҳожа Аҳмад Яссавий ўзининг таълимотига асосланган Яссавийя тариқатини яратди. Яссавийя тариқатининг тўрттала босқичи ҳисобланган **шариат, тариқат, маърифат** ва **ҳақиқат**нинг ўзига хос шаҳодат калимасини, айни вақтда мазкур тариқатга кирувчилар учун одоб қоидаларини ишлаб чиқди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал билмаслиги, унга мутлақо таслиият изҳор этмоғи лозим.

2. Мурид ўз шайхининг барча рамзлари ва ишоратларини мукаммал англай биладиган даражада зукко ва идроклн бўлиши керак.

3. Мурид ўз шайхининг турли аҳволига (сўзларига) ва афъолига (ишларига) рози, бўйин эгувчи ҳамда мутеъ бўлмоғи лозим.

4. Мурид ўз пири-муршидининг хизматини доимо сидқидилдан, очиқ чеҳра ила дарҳол бажо келтириши лозимдир. Чунки Аллоҳнинг ризосига пирнинг ризоси орқали эришилади.

5. Пирнинг қўнглида муридига нисбатан ҳеч бир шак-шубҳа туғилмаслиги учун мурид ўз сўзида соднқ, ваъдасида қатъий бўлмоғи зарур.

6. Мурид ўз ваъдасига вафодор, аҳдупаймонида устивор бўлмоғи даркор.

7. Ботин кўзи очилиши учун мурид ўз ихтиёрида бўлган барча мол-мулкини ўз шайхига нисор этмоққа доимо тайёр туриши керак.

8. Мурид ўз шайхининг барча сир-асроридан хабардор бўлса-да, уларнинг ифшосидан (фош қилишдан) сақланиши керак.

9. Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутиб, унинг мушкилотини осон қилмоғи, панду-насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт.

10. Мурид Аллоҳ висолига етиш учун шайхи йўлида ўз жонини ва бошини нисор этмоққа доимо тайёр туриши, шайхининг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

Яссавий тасаввуфи ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу Турон заминидаги халқларни ягона мақсад сари йўналтирувчи ўзига хос бир таълимот бўлган.

Хўжа Аҳмад Яссавийнинг энг буюк асари, унинг ҳикматлари жамланган **«Девони ҳикмат»**дир. Буни биз ҳеч иккиланмай турк тилининг чиғатой-ўзбек лаҳжасида яратилган илк шоҳона асар деб айтишимиз мумкин. Бу китоб кейинги икки йил мобайнида, яъни 1991 йилда, Иброҳим Ҳаққулов томонидан нашрга тайёрланиб «Ҳикматлар» номи билан, 1992 йилда эса Расулмуҳаммад Ашурбой ўғли Абдушукуров томонидан нашрга тайёрланиб «Девони ҳикмат» номи билан икки маротаба нашр қилинди. Лекин биз ҳали Аҳмад Яссавий ҳикматларини тўлиқ нашр қилдик, деб айта олмаймиз. Чунки унинг қатор ҳикматлари қўлёзмалар қаърида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Жумладан Ўзбекистон Жумҳурияти Фанлар Академиясига қарашли Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинагоҳидаги «Девони ҳикмат»нинг қўлёзма ва босма нусхаларини таққослаб чиққанимизда унинг нашр қилинган мазкур девонларига киритилмаган 62 та ҳикмати мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Унинг яна 250 та ҳикмати борлиги ҳақидаги маълумот «Шарқ Юлдузи» ойномасида келтирилган. («Шарқ Юлдузи» 1992 йил. № 1-сон). Яссавий асарларини ўрганиш жараёнида биз уннг **«Қиссаи Нуъмон Ибн Собит»** номли қиссаси, **«Рисола дор одоби тариқат»** номли рисоласи борлигини аниқладик ва нашрга тайёрлаб қўйдик.

Пиру бузрукворимиз Турон заминидаги туркийзабон ва форсийзабон мутасаввуфларнинг пешвоси Хўжа Аҳмад Яссавийнинг бизга қолдирган мероси билан танишиб чиқар эканмиз, биз уни табиий фанларнинг асримизда эришган энг буюк ютуғи зарраларнинг парчаланиши натижасида ундан ажралиб чиқадиган иссиқликдан фойдаланишнинг кашф этилиши билан қиёслагимиз келади. Бу шундай қувватки, у чўлни гулистон, ер юзини яксон қилиши мумкин. Донолар мазкур қувват орқали жамиятни бўстон, элни достон қилсалар, нодонлар эса юртни вайрон, ер юзини яксон қиладилар, жоҳиллар эса унинг борлигини ҳам йўқлигини ҳам билмай бир умр сарсон ўтказадилар. Бобокалонимизнинг қуйидаги байтларини ўқир эканмиз, фикримизнинг тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз:

Мени ҳикматларим оламда султон,
Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон.
Қулоқ олмагай бу сўзни нодон,
Анн одам дема, ул жинси ҳайвон.

Хўжа Аҳмад Яссавий ўзининг қолдирган мероси билан, нафақат туркий халқлар маданиятига, қолаверса Ислом ҳадоратига (маданиятига) ёнки жаҳон халқлари маданиятига салмоқли ҳисса қўшган буюк мутасаввуф арбобдир. Унинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти билан танишиб чиқар эканмиз, биз уни башарият осмонида чарақлаб, ўз ёғдусини 18 минг олам узра таратаётган қуёшга ўхшатгимиз келади. Серқуёш ўлкамизда етиштирилган ҳар бир ҳосил ўзининг тилёрувчи шарбати билан ажралиб турганидек, бу қуёшдан тўйиб баҳра олган жамиятимиз ботинан файзли, зоҳиран чиройли бўлиб, ҳамиша башариятга намуна бўлиб қолаверади.

Неъматулло ЖАББОРОВ.

Вилоят прокуратурасида

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори буйруғи билан адлия катта маслаҳатчиси Йўлдош Болтабоевич Ташов беш йил муддатга Чиноз тумани прокурори лавозимига тайинланди.

Йўлдош Болтабоевич Ташов 1942 йилда туғилган, миллати ўзбек, олий юридик маълумотга эга, прокуратура тармоқларида 1975 йилдан бошлаб, аввалита туман прокурорининг ёрдамчиси, сўнг Ўзбекистон Республикаси прокуратураси маҳкамасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1992 йил октябрь ойидан эса Янгийўл туман прокурорининг ўринбосари вазифаларида меҳнат фаолиятини давом эттириб келган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва вилоят прокурорининг буйруқлари билан бир неча бор рағбатлантирилган.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 21. II

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатуалар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тошкентга марҳамат» Телефильм.
18.25 Бизнес мактаби.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Шеърий дақиқалар». Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева.
19.35 Чанг тароналари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Жиноят жазосиз қолмайди». Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасига бағишланган кўрсатув.
21.30 ЎзТВ хазинасидан. Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев куйлайди.
22.45 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.05 «Ҳужжатли фильмлар экрани».
23.50 Эртанги кўрсатуалар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Маърифат масканн».
20.45 «Суперспорт».

● «ОРБИТА IV»

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Оригинал рақс. Лиллехаммердан кўрсатилади.
19.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 36-серия.
19.55 «Эркак ва аёл».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 «Бадбашара». Телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»).
23.15 «Миниатюра».
23.30 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Тоғ чанғи спорти. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Хоккей. Шаеция —Канада. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
21.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.25 «Тафсилотлар».
*
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
*
22.40 Душанба куни детектив. «Эндхауз жумбоғи». Бадиий фильм. 1-серия. «Эркюль Пуаро» сериалидан.

Сешанба, 22. II

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Бастакор Мухторжон Муртазоева». Телефильм.
9.45 «Ёшлик» студияси. «Ишонч».
10.30 Ўқуа кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 Самбо. Ютуқлар ва муаммолар.
11.30 «Кичкинтой» студияси «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

* * *

17.55 Кўрсатуалар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Неъмат Қўзибоев». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Сўзана ва чинни буюмлар». Телефильм.
19.35 «Кўшиқ рақсга уланса». Комила Аминова, Валижон Абдуллаев.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Нодира лирикаси.
21.30 «Ёдингдами!». Бадиий фильм.
22.55 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.15 Фильм-концерт.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.15 «Мультфейерверк».
19.45 Рок ҳақида.
20.05 Эълонлар.
20.15 «Кинонигоҳ».
22.00 «MTV». Мусиқий кўрсатув.

● «ОРБИТА IV»

6.45 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.25 «Виктория». Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган аскар қўшиқлари фестивали.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
21.45 Олимпиада кундалиги.
22.05 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Финал гуруҳлари командаларининг матчи. Лиллехаммердан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 «Ҳеч ким унутилмайди».
20.15 Телеэкранда — премьера. «Анкор ва яна Анкор». Бадиий фильм.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 «Юлдузлар ёғилганда».

Пайшанба, 24. II

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Бахтли бўлай деҳанг». Бадиий фильм.
10.20 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
10.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.05 Футбол. «Пахтакор-79» хотира турнири.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Таълим ва ислоҳот».
18.45 «Нурли Тошкент оқшомлари». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Ёшлик» студияси. «Адолат».
20.00 «Лайлаклар». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев куйлайди.
21.25 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.
22.40 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.15 «Мультфейерверк».
19.45 «Салом, ёшлар!».
20.05 «Юлдузлар жилоси».
20.30 Эълонлар.
20.40 «Кинонигоҳ».
22.00 «MTV». Мусиқий кўрсатув.

● «ОРБИТА IV»

6.45 «Тонг».
* * *
18.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.20 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.30 «Лабиринт».
19.55 «Эҳтиёткор одамнинг иқрори». Е. Габрилович даврҳамда ўзи ҳақида.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Бизнинг америкалик Боря». Телевизион бадиий фильм премьераси. («Экран» «Фора-лотос» иштирокида суратга олган).
23.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Тоғ чанғи спорти. Слалом-гигант. Хотин-қизлар.
23.30 Олимпиада кундалиги.
23.50 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

18.00—20.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 284-серия.
20.55 «Мен—йўлбошчиман».
21.15 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
21.45 Криминал хабарлар экрани.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Хоккей. Лиллехаммердан кўрсатилади.

Жума, 25. II

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Хайрлашув арафасида». Бадиий фильм.
10.30 Ўқуа кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Умид». Мактабда халқ миллий ўйинлари.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».

* * *

17.55 Кўрсатуалар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Усмир ва қонун».
18.40 «Чоқол тизмалари бўйлаб». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Илҳом». Телевизион клуб.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Бевосита мулоқот».
21.50 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.30 «Ёшлик» студияси. «Отаолар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Маишук ҳақида қўшиқ». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.45 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Маданият янгиликлари.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Япония А. Колошин билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.45 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Конькида югуриш спорти. Шорт-трек. Лиллехаммердан кўрсатилади.
22.30 Алла Баянова билан учрашув.
23.15 «Бумеранг».
23.45 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

18.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 М. Жванецкий. «Бу ҳазил эмас—тақдир таҳозоси». «Турли мамлакатларга саёҳат» туркумидан.
20.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
21.45 «Видеошеърият». Микеланджело Буонарроти.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 «К-2» таништиради: «Халқ фраки».
23.35 Петербург маасуми. «Эрмитаж театри».

Шанба, 26. II

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.
10.50 «Ёш тадбиркорлар».
11.40 «Янги китоблар».
12.10 «Кафолат».
12.40 «Алифбо сабоқлари».
13.10 Камер куйларидан концерт.
13.40 «Мерос». Муҳаммад Шайбонийхон.
14.40 Футбол. «Пахтакор-79» хотира турнири.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун фильм.
18.25 Халқаро шарҳловчилар даврасида.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.
19.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Табассум».
20.15 «Саҳро тимсоҳи». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ноктюрн». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

18.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Хотин-қизлар. Ихтиёрий программа. Лиллехаммердан кўрсатилади.
19.00 «Муқаддас сўз».
19.20 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Денгиз ҳам ҳикоя қилади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.25 Олимпиада кундалиги.
22.45 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Тоғ чанғи спорти. Слалом. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан кўрсатилади.
23.15 «Матбуот-экспресс».
23.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Кўргазмали чиқишлар. Лиллехаммердан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

12.10 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.20 «Бизнен мирас» (татар тилида).
13.00 «Анор мевасн». Усто Мўмин.
13.40 «Умид» (уйғур тилида).
14.25 «Дўстлик чегара билмайди».
15.05 Шарқ тароналари.
15.45 «Бу ажиб дунё».

* * *

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Киномарафон. «Бу қизи тушмагур». Бадиий фильм. «Севги маъбудаси» туркумидан.
21.25 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Хоккей. Лиллехаммердан кўрсатилади.

Якшанба, 27. II

● ЎзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телеэкранлаштирилган бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 55—56-серия.
10.40 «Мактаб ва ҳаёт».
11.20 «Халқ ижодиёти». Сибизғиччи Каромат Норбўтаев.
11.50 «Оила».
12.35 «Соҳибқирон Темур». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатуалар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Ўйлаймизу ўйнаймиз».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.50 «Кулги соҳиблари». Мирзабек Холмедов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Барҳаёт наволар». Тўхтасин Жалилов.
22.25 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
00.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Совға».
17.30 «Юлдузлар жилоси».
17.45 «Курьер».
18.00 «Юлдузли осмон».
18.25 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.35 «Салом, ёшлар!».
19.00 «Даракчи».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Видео-О».
21.00 «Курьер».
21.15 «Тикланиш».
21.35 «Даракчи».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

18.10 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
19.20 «Эфирда мусиқа».
20.15 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «Икс хонимнинг ажралиши». Бадиий фильм. (Буюк Британия, 1938 й.).
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.45 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Финал. Лиллехаммердан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

12.00 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.10 «Ватан ҳимоячилари».
12.45 «Изланиш самаралари».
13.25 «Кашфиётлар оламида».
14.05 «Замандас» (қозоқ тилида).
14.50 «Мўъжиза». Хитой новаъанавий табобати ҳақида.
15.15 Чет эл эстрадаси концерти.
15.45 «Бу ажиб дунё».

* * *

18.00—20.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.35 Си-Би-Эс кинотеатри. «Қандайдир ёвузлик». Бадиий фильм.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Намуна нусхаси».
22.40 «Ксюша ҳузурида».
23.10 «Репортёр».
23.30 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан кўрсатилади.

• *Вилоят янгиликлари*

Бекобод маҳсулотлари жаҳон бозорида

Ўзбекистон металлургия заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб катта. Яқиндан бошлаб унинг харидорлари қаторидан энг ривожланган мамлакат — Японияннг ҳам ўрин олганлиги чет эллик мижозлар сафини кенгайтириб юборди. Чунки японлар ҳар қандай маҳсулотга харидор бўлишдан аввал унинг сифатини яхшилаб синчковлик билан текшириб кўришади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Экспорт учун тайёрланган маҳсулот намунаси Японияга олиб кетилиб энг замонавий жиҳозлар билан синовдан ўтказилди.

Натижалар бу корхона маҳсулотлари дунёдаги шу турдаги прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг ривожланган металлургия заводларининкидан асло қолишмаслиги, ҳатто кўп жиҳатлари билан улардан устунлик ҳам қилишини исботлади. Шундан сўнггина хорижий харидорлар сифати аъло бўлган прокат маҳсулотлари — турли ҳажмдаги арматураларни ишонч билан сотиб ола бошладилар. Эндиликда Германия, АҚШ, Кипр, Исроил, Англия каби давлатлар билан ҳам шундай шартномалар тузилди.

Яқинда хитойликлар биринчи ва иккинчи навли прокат цехидан 8 минг тонна арматура сотиб олишди. Маҳсулот шартномада кўрсатилган муддатидан аввал ўз жойига юборилганлиги хитойликларнинг корхонага бўлган ишончини оширди. Шундан сўнг улар бошқа прокат маҳсулотлари сифатини ҳам текшириб кўришди. Назоратдан ўтказилган бурчакли темир ҳам талабга жавоб берганлиги учун Хитой Халқ Республикаси 63х6 мм ҳажмли 420 тонна бурчакли темир харид қилди. Бу билан ўзбек металлургия заводида тайёрланган бурчакли темир биринчи марта жаҳон бозорида сотилди. Демак, шу йилнинг бошидан бошлаб чет элда сотилаётган маҳсулотлар тури яна биттага кўпайди.

Г. БЕКНАЗАРОВ, А. АБДУЛЛАЕВ.

Элбек хотирасига бағишланди

БЎСТОНЛИК. «Чорвоқ» қўрғонида туман маданият бўлими ходимлари ташаббуси билан Хумсон қишлоғида туғилиб ўсган Элбекнинг 95 йиллигига бағишлаб хотира куни ўтказилди. Кечада маданият ходимлари билан бир қаторда «Чорвоқ» қўрғонидаги 17- ва 18-мактаб ва Хумсон қишлоғидаги 19-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Адабиётшунос олим Ортиқали Абдуллаев ҳамкортлари Элбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Туман ҳокими Абдуманнюб Абдувосиқов кеча ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди.

Тадбир иштирокчиларида айниқса, Элбекнинг ўғли Улуғбек Элбековнинг отаси ҳақидаги хотиралари катта таассурот қолдирди.

Хумсон маданият уйи бадиий жамоалари ижро этган қўшиқ ва рақслар кечага файз киритди. Ўқувчилар Элбек шеърларидан ифодали ўқиб, унинг ҳаётидан лавҳалар ижро этдилар. Элбек ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ва унинг асарларидан иборат кўргазмани ҳам кўпчилик қизиқиш билан томоша қилди.

О. РАҲМОНБЕРДИЕВА.

Акциялар сотилмоқда

ЎРТАЧИРЧИҚ. Туябўғиздаги 74-автокорхона ёпиқ типдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Жамоа корхонани салкам 12 миллионга сотиб олди. Маъмурият биноси, автомобилларни тармоқлаш бўлими тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, бу ерда автомобилларни механизациялашган тарзда ювиш ҳам йўлга қўйилди. Янгича иш юритиш услуби туфайли автотранспортчилар бу йил 1 миллион 790 минг сўмлик юк ташишни режалаштирганлар. Ҳозирги кунда корхона мулк эгаларига акция сотишга киришди.

У. ҲАМИДОВ.

Қўшма йиғилиш

ҚИБРАЙ. Туман фаоллари ва ички ишлар идоралари ходимларининг биргаликда йиғилиши бўлиб ўтди. Туман ҳокими Акбарали Йўлчиев жиноятчиликка қарши ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

— Президентимиз нинг халқ ҳеч қачон адолатсизликка чидай олмайди, деганларини ички ишлар идоралари ходимлари, қолаверса, ҳар биримиз учун доимий шиор бўлиши керак. Бунинг учун ҳар биримиз ўз ишимизга масъулият билан ёндошишимиз, кишилар тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, жиноятчиларга эса шафқатсиз бўлишимиз зарур. Лекин ҳар бир ишимизни мустақил юртимиз қонунлари асосида олиб боришимиз керак.

Йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи милиция подполковниги О. Жалилов бугунги кунда вилоятда қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликка қарши олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Йиғилиш иштирокчиларининг таклиф ва истаклари инобатга олиниб февраль ойи туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ойлиги деб эълон қилинди.

М. МИРСОВУРОВ.

МАКТАБДА ТАНЛОВ

«ҒАЗАЛХОН ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ»

ТОШКЕНТ шаҳридаги Ю. Мўминов номли 274-ўрта мактабда бўлиб ўтган «Ғазалхон ўзбегим қизлари» танлови иштирокчилари ўз исмларининг маъносини шеърий баён қилиш, Алишер Навоий ғазалларини ифодали ўқиш, халқ мақолларини ким кўп айтиш бўйича билимларини синашдилар. Танлов шартларидан бири уй-рўзғор юритиш, ўзбекона одатларга риоя этишга бағишланди. Бу қисмда Ш. Нурматованинг Қурён сураларини қироат билан ўқиши, Ш. Турсунованинг соч турмаклаш, Ҳ. Иноятовининг лапарлар айтиш, М. Жўраеванинг шўх рақслари, З. Мирзаеванинг «Набиралар қўзғолони» саҳна кўринишлари, С. Ғофурованинг тиккан кийимлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрик-танловда Ҳ. Иноятова — биринчи, З. Мирзаева — иккинчи, М. Жўраева — учинчи ўринни эгалладилар.

Мактаб маъмурияти танловни сермазмун ташкил этган муаллимлар — М. Валиева, А. Ориповларга ва йиғиннни қизиқарли бошқариб борган ўқувчилар — Ш. Соатова, И. Усмоноваларга миннатдорчилик изҳор этди.

К. ҲАСАНОВА, Л. АЗИМОВА.

● «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш муттасил кенгайиб бормоқда. Махсус ташкил этилган устахонада бундай буюмлар янги турларини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилади. Шундан сўнг ҳар бир буюм кўплаб ишлаб чиқариш учун тавсия этилади. Суратда: устахонанинг илғор чеварлари Дилором Солиҳова ва Ҳилола Алимқуловалар иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Комилжон АЗИМОВ

ҚИШЛОҚ хўжалиги ишлаб чиқариш ташкилотчиларидан бири, иқтидорли раҳбар, ўзининг ҳалол, фидокорона меҳнати билан эл-юрт ўртасида обрў қозонган иттифоқ миқёсидаги нафақахўр, Меҳнат Қаҳрамони Комилжон Азимов 66 ёшида вафот этди.

У 1928 йилда Зангиота районидаги Қатортол қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Ёшлигидан далага, деҳқончилик ишларига меҳр қўйди. Ўсмирлик чоғи уруш йилларига тўғри келди. Еттинчи синфни тугатгач, далага чиқиб деҳқонлар билан ёнма-ён туриб ишлай бошлади. У ҳар бир ишни сидқидилдан бажарар эди. Шунинг учун ҳам эл назарига тушди. Фарғона, Фарҳод каналлари қурилишида ҳам фаол иштирок этди. Қишлоқ хўжалиги олийгоҳини тугаллагандан сўнг эса Янгийўл туманидаги МТСда фаолият кўрсата бошлади. Кўп ўтмай у ҳозирги «Ниёзбош» (собиқ Ленин номли) жамоа хўжалигига агроном қилиб тайинланди. Ана шу кундан бошлаб унинг ҳаётида, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик ва бошқарув фаолиятида янги босқич бошланди.

«Халқобод» комбинатига қарашли хўжаликлардан бирига икки йил муваффақиятли раҳбарлик қилди. Ниёзбошликлар уни яна ўз хўжаликларида ишлашга таклиф қилдилар. Комилжон бу хўжаликда 1958 йилдан 1964 йилгача агрономлик вазифасини муваффақиятли бажарди. Хўжаликда пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирилишига муносиб ҳисса қўшди. 1964—1972 йилларда эса Янгийўл район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

Унинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш салоҳиятидаги янги қирралар эса 1972 йилдан бошлаб 1985 йилгача Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган даврда очилди. Хўжаликнинг довруғи таралди. Ҳосилдорлик йил сайин барқарорлашиб, иқтисоди мустаҳкамланиб борди. Жамоа хўжалиги аъзоларининг турмуш даражаси анча яхшиланди. Шунинг учун ҳам уни 1985 йилда катта иззат-икром билан дам олишга кузатишди.

Талабчан раҳбар, меҳрибон мураббий, садоқатли дўст, ўз фаолияти давомида жуда кўп шогирдларни орттирган Комилжон Азимовнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор унвони, ҳукуматимизнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланган эди.

Ажойиб инсон, қишлоқ хўжалигининг етук намояндаларидан бири сифатида танилган Комилжон Азимовнинг порлоқ хотираси қаларимизда узоқ вақт сақланади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Жабборбек ИБРОҲИМОВ

ХИЗМАТ БУРЧИНИ ЎТАЁТГАНДА ФОЖИАЛИ ҲАЛОК БЎЛДИ

Ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда фожиали ўлим дўстимиз, ҳамкасбимиз, милиция сержанти Жабборбек Тожибоевич Иброҳимовни айни навқирон 36 ёшида орамиздан олиб кетди.

У армия хизматидан қайтгач, ҳаётини 1980 йилдан бошлаб ички ишлар идоралари билан боғлаган эди. 1988 йилнинг июнидан бери эса Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими қошидаги қўриқлаш бўлимининг марказлаштирилган қўриқлаш пункти милиционер-ҳайдовчиси лавозимида хизмат қилди. У қалби олов йигит эди. Топшириқларни сидқидилдан, масъулиятни ҳис қилган ҳолда бажариб, хизматдошларига ўрнак кўрсатар эди.

Афсуски, машъум воқеа туфайли у бевақт оламдан кўз юмди. Унинг ҳали ушалмаган орзулари кўп эди. Амалга ошмаган режалари, орзу-ҳаваслари, бари-барини ўзи билан олиб кетди.

Ўртоғимиз ва ҳамкасбимиз хотираси қалбимиздан умрбод жой олади.

Биз Жабборбек Иброҳимовнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдирамиз ва сабр-бардош тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар Вазирлиги, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси, Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ОСТИДА

• *Спорт* •

Норвегиянинг қишки олимпиада ўйинлари медаллари учун кураш қизғин тус олаётган Лиллехаммер шаҳри стадиони узра унда қатнашаётган мамлакатлар давлат байроқлари орасида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпираб турибди. Норвегиядан олинган хабарларга қараганда, республикамизнинг кам сонли, лекин жиддий тайёрланган спортчилари мамлакатимиз спорт шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилишга тайёр турибди.

Эслатиб ўтамиз: Олимпиада делегациямиз таркибида жаҳон фристайл «малнкаси», ўтган йилги жаҳон чемпиони ва чанғи акробатикаси бўйича жаҳон кубоги соҳиби Лина Черязова бор. Мутахассислар тошкентлик спортчининг имкониятларини юқори баҳолаб, у спорт мукофотлари қаторига олимпиада медалларини ҳам қўшади, деб башорат қилмоқдалар. Унинг шериклари, халқаро мусобақаларнинг совриндорлари Сергей Бренер билан Лариса Удодова етакчи спортчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрдирлар.

Лиллехаммердаги муз устида Ўзбекистон спорт шарафини жуфт бўлиб коньки учиш усталари тошкентлик Алики Стергнаду ва Юрис Разгуляев ҳамда рақс жуфтлиги Динара Нурдбоева билан Муслим Сеттаров ҳимоя қиладилар.

(ЎзА мухбири).

Жиноят жазосиз қолмайди

ҚУЛФНИ ТЕКШИРИБ ҚЎЙИНГ

Тошкентнинг Навоий кўчасидаги хонадонга уч киши бостириб кирди. Уй бекасига пичоқ ўқталиб, юз минг сўм-купонга яқин пул, видеомагнитафон ва базъи буюмларни ўмариб кетишди. Бир шиша «Наполеон» коньягини олишни ҳам унутишмади. Лекин уни ичишга ўлгуришмади. Милиция ходимлари босқинчилардан биринг кимлигини аниқлаб қўлга олдилар. Эндиликда унинг шериклари кимлиги аниқланмоқда.

Чилонзорда эса кечки пайт жиноятчилар эгаси йўқ уйнинг қулфини бузиб кириб, квартирани «супуриб» кетишди. Лекин кўп вақт ўтмай, Чилонзор тумани ички ишлар бўлими оперативх ходимлари ўғриларнинг изига тушишди. Ҳеч қаерда ишламайдиган уч йигит қўлга олинди. Улар ўғирлаган буюмлар терговда ашёий далил бўлмоқда.

УСТУИЛАРНИ ҲАМ ҚЎЙИШМАДИ...

Оққўрғон туманида электр сими тортиш учун келтириб қўйилган устунлар ҳам ғойиб бўлиб қолди... «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида яшайдиган икки йигит устунларни уйларига олиб кетишган экан. Қандай мақсадда ўғирлашганини қонунга мувофиқ тергов вақтида ёки судда тушунтириб беришади.

(ЎзА мухбири).

ЎЗ ЭРИНИНГ ҚОТИЛИ

БУ ФОЖЕА ҲЕЧ КИМНИ ЛОҚАЙД ҚОЛДИРМАСЛИГИ, ОДАМЛАРНИ АҚЛ-ИНСОФ БИЛАН ИШ ТУТИШГА ДАЪВАТ ЭТИШИ ЛОЗИМ

Шарифа шипга қистириб қўйилган ўткир пичоқни олди. Ҳозиргина қовун-тарвуз сотиб, бозордан келган ширакайф эри Маҳамат чалқанча ётганча хуррак отарди. Аёл ертўла ичидаги пашшахона четини оҳиста кўтариб, эрига яқинлашди. Ўнг қўлига пичоқни маҳкам ушлаб олганди. У эрига бир зум тикилиб тургач, нақд юрагига пичоқ санчди. Маҳамат сапчиб тушди, жон талвасасида жароҳатини чангаллади. Бармоқлари орасидан қип-қизил қон сизиб туша бошлади. Йигит бир зумда жон берди. Шарифа пичоқни суғириб олаётганида катта ўғли Баҳром кўриб қолди. Боланинг ранги докадек оқарди, сочлари тўзиб, эртаклардаги ёсуманларга ўхшаб қолган онасига қўрқув тўла кўзлари билан жовдираб тикилди. «Бировга айтсанг, ўлдираман!», деди Шарифа ўғлига. Сўнг овсинининг чайласига югурди. «Худо уриб қолди, овсинжон! Маҳамат акангиз ўз-ўзига пичоқ уриб қўйди...». Ранги мурдадек оқарган Шарифа уввос тортиб йиғлар, лекин кўзларидан ёш чиқмасди. Йиғлаётганида башараси аллақандай тарзда хунук буришиб кетарди.

Ҳамма чайлага қараб югурди. Худди шу пайт ҳеч нарсадан хабарсиз Маҳаматнинг отаси Абдуҳамид ака келиб қолди. У ўғлининг тўшакда жонсиз ётганини кўриб, оёқ-қўллари бўшашди, ичидан алланима узилиб кетгандек бўлди. Келини қайнотасига осилди: «Отажон, ўғлингиздан айрилиб қолдик!». Баҳром эс-ҳушини таниб қолган эмасми, ҳўнграб йиғларди, кичиги тикилиб турарди...

Маҳаматни Бургалик қишлоғидаги қабристонга дафн этишди. Шарифа қора кийиб, эрининг қариндош-уруғлари билан қўшилиб, астойдил йиғларди. Вир куни Абдуҳамид ака келиниинг кўзларига қараб, юраги увишди. Бу кўзларда қандайдир ҳадиксираш, қўрқув бор эди. Невараси Баҳром худди тилдан қолгандек индамасди. Қайнотанинг ҳаёлидан «Ўғлимнинг қотили Шарифа эмасмикин?» деган фикр ўтди.

Қарангки, отанинг шубҳаси тўғри чиқди. Невараси Баҳром кўрганларини терговчига айтиб берди. Шарифа қилмишини бўйнига олди. Ўртачирчиқ туман халқ суди А. Ҳамроев раислигида 1964 йилда туғилган Шарифа Каримованинг жиноий ишини кўриб чиқди. У тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Мақоламизни шу ерда тугатишимиз, жиноятчи жазосини олди, деб кўнглимизни хотиржам қилишимиз мумкин эди. Лекин, Ўртабўздаги қишлоқлардан бирида рўй берган бу фожеа ҳеч кимни

Суд ҳукмидан кейинги ўйлар

лоқайд қолдирмаслиги керак. Иўқолган-топталган қадриятларимиз тиклана ётган кунларда содир этилган мудҳиш воқеа бизларни ўйлашга, жиноят сабабларини ўрганишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга, эр-хотин ўртасидаги нижоҳ Муқаддаслигини сақлашга даъват этади.

Маҳаматнинг опаси Шарифага келинойи бўлади. Опа укасига қайлиқни ўзи топган эди. Тўй бўлиб ўтди. Ўртада икки фарзанд туғилди. Ўзбекчилигимиздаги ҳаражатлар, тўй орзу-ҳаваслари ўзимизни, соғлиғимизни унутиб ишлашга мажбур қилади. Ёш эр-хотин ҳам «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги раҳбарлари билан шартнома тузиб, бир гектар ерга терак экишди. Ораларида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришди. Тўғри, меҳнати оғир. Шарифа ҳам, Маҳамат ҳам меҳнатга чидашди. Ертўлада кун кечиришди. Маҳамат бозорга маҳсулот олиб борар, у ёқдан қўнқўнжи пулга тўлиб қайтарди.

Судда Шарифа: «Илгари ҳам тез-тез жанжаллашиб турардик», деди. Албатта, ҳар бир оилада жанжал, қўнгилхиралик бўлиб туради. Лекин, улар ўртасидаги бу галги жанжал нимадан бошланди — ҳеч ким аниқ билмайди.

Шарифанинг сўзидан: «Тонг саҳарда бозорга кетган турмуш ўртоғим келди. Ўшанда овсиним чайласида болаларим билан ётган эдим. Бизни олиб кетаётганда йўлда жанжал қилди: «Ким билан ётдинг?», «Ким билан ўйнашдинг?». Чайлада ҳам шу гап. Аччиғим чиқди. Шипдан пичоқни олдиму...».

Шарифани оқлаш фикридан йироқмиз. Эри ширакайфлигида шу гапларни айтган экан, нима учун эртасига қайнотасига айтмайди ёки эрини уялтирмайди? Ақлҳуш ўрнини жаҳолат эгаллаши натижасида бир оила барбод бўлди, икки гўдак ота-онасиз қолди.

Шунинг учун ота-оналар уйланган ўғиллари, турмушга чиққан қизларига оила, никоҳ муқаддас эканлиги тўғрисида, бири паст бўлиб туриши ҳақида насиҳат қилишлари зарур. Ҳар икки томон баравар баланд турса, хотин киши эрини мулойим сўзлари, малоҳати билан жаҳлидан тушириш ўрнига унга чақчайиб тикилса, бундай оилаларда яхшилик эмас, адсват-нафрат уруғлари униб чиқади, фарзандлар тарбияси бузилади. Лекин биз баъзан ўз оиламиз билан бўлиб, бошқалар оиласи ҳақида ўйлашга эринамиз, лоқайдлиқ қиламиз.

Маҳамат ва Шарифа фожеаси на фақат Ўртачирчиқ тумани, балки, вилоятимиз аҳолисини, умид билан бир ёстиққа бош қўйган йигит-қизларни, бутун жамоатчиликни ҳушёрликка чорлайди.

Усмон ҲАМИДОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

КИНОЧИЛАР АНЖУМАНИ

Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтида республика давлат кинокомпанияси ҳамда киночилар уюшмаси ҳамкорлигида 1990-йилларда яратилган фильмлар кўриги якунига бағишланган анжуман ўтказилди.

Институт директори Т. Ғофурбеков, Ўзбекистон киночилар уюшмаси раиси М. Қаюмов республика давлат кинокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари С. Аҳроров, санъатшунос Ж. Тешабоев кейинги икки-уч йил мобайнида яратилган фильмларнинг бадиий қиммати, ютуқ ва камчиликлари, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида гапирди.

Анжуманда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур сиёсатини акс эттирувчи фильмлар яратиш, мамлакатимиз тарихи ва маданиятини дунёга танитиш борасидаги чора-тадбирлар хусусида фикр билдирилди.

(ЎзА).

• ЭЪЛОН • • ЭЪЛОН •

АВРОСИАБ

SONY
PANASONIC
SHARP
PHILIPS
SUPRA
SAMSUNG

❋ Жаҳондаги етакчи фирмалардан SONY, PANASONIC, SHARP, PHILIPS, SUPRA, SAMSUNG фирмаларида ишлаб чиқарилган аудио — ва видеоаппаратуралар, телевизорлар ва қаҳвиларнинг энг янги моделлариии;
❋ Германия, Италия, Испания, Финляндиядан келтирилган экологик соф маҳсулотлари;
❋ Италияда ишлаб чиқарилган ётоқхона гарнитурлари ва хизмат идораси мебеллариии;
❋ Америка, Ҳиндистон, Гонконгда тайёрланган заргарлик буюмлари ва тақинчоқлариии

эътиборингизга ҳавола қилади
Дўконимизга ҳуш келибсиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 26—уй.

«КАНОП» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШИРКАТИ

Тошкент шаҳрида ва Бордонкўл қишлоғида («Роҳат» кўли орқасида) — **канап йигириш-тўқиш фабрикасида ишлаш учун**

қуйидаги мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— **Тароқлаш, ленталаш ва ўраш машиналарининг операторлари;**
— **йигирувчилар;**
— **тўқувчилар.**

Шогирдлар Тошкент канап фабрикасида ўқитилади.

Меҳнат ҳақи — ишбай (чекланмаган).

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Крупская кўчаси, 8-уй. «Канап» ширкатининг расмийлаштириш бўлими. **Телефон: 55-89-75.**

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 12-ҳунар билим юрти томонидан 1992 йилда Ғозиев Ҳайрулла Раҳмонович номига берилган 3—0494396 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги Т. Шевченко номидаги 110-ўрта мактаб томонидан Ш. Т. Шоҳидаевга берилган АУ № 316112 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ИССИҚХОНА ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АПЕКС» ФИРМАСИ

амарант уруғи, компост, биогумус ва калифорния қизил чувалчангини сотади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 73-уй. Телефонлар: 55-17-48, 54-95-49.

Тошкент ҳақиқати
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.